

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

УМР ЙЎЛЛАРИНИҒИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН



“Хонадонларимиз чироғи, ҳаёт давомийлигининг тимсоли бўлган аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, инсон юрагига энг эзгу-суйғулар, аввало, она сунти, она алласи билан қиради. Одамзот она меҳри ва тарбияси билан Ватан ва халқини севадиган фидойи инсон бўлиб вояга етади”.

Президент Ислам Каримовнинг хотин-қизларга байрам табригидан

Баҳор каби гўзал ва тароватли хотин-қизларнинг байрами — 8 Март мамлакатимизда катта шодиёна ва тантаналар билан нишонланди. Шу боис шахру қишлоқларимизда, маҳаллаларда, ташкилотлар, корхоналарда, ҳар бир хонадонда Аёл — она шарафига энг гўзал табриклар, кутловлар янгради, гуллар, совғалар улашилди. Дарҳақиқат, Аёл билан олам мунаввар... Чехраси, баҳору байрам шуҳудидан ял-ял очилган аёлларимиз ҳам мустақил республикамызда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибору ғамҳўрликлар учун Президентимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди, эл-юртимизга тинчлик, фаровонлик тилашди.

“Туркистон” саройида бўлиб ўтган тантанали кечада Президентимизнинг мамлакат хотин-қизларига байрам табриги ўқиб эшиттирилганда залда тирган хотин-қизларнинг кўкраклари тоғдек кўтарилди. Тантананда Вазирлар Маҳкамасининг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги Қа-

рорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган қизларга совриндорлик ёрликлари ва нишонлар топширилди. Бу йил ҳам Зулфия қизлари сафига ўн тўрт кулик ойдек ўн тўрт нафар қизларимиз қўшилишди.

Хоразмлик Мўтабар Рўзметова билан қорақалпоғистонлик Анифа Артикова санъат йўналиши бўйича қатнашди. Анифанинг асарлари нафақат Ўзбекистонда, балки Австралия, Германия, Чехословакия, Ҳиндистон, Миср, Япония каби давлатларда намойиш этилиб, олий дипломлар билан тақдирланди.

Андижонлик Нилуфар Дадахўжаева тиккан зардўзи либослар эса бетақдор гўзаллиги, нафис жилolari билан кишини хайратлантиради. Айниқса, “Тумарис” либослар тўплами республика чеварлари томонидан ҳам юқори баҳо олди.

Тошкентлик Дилором Бердиева ўзи танлаган тиббиёт соҳаси бўйича янгиликлар яратмоқда. Жиззахлик Шохиди Мўми-



нова, сурхондарёлик Манзура Холмирзаева, бухоролик Орзугул Ҳамроеванинг ижодида ватанга, онага, табиатга бўлган меҳр алоҳида ажралиб турса, навоийлик Муҳаббат Темирова билан наманганлик Муқаддас Улуғҳўжаеванинг таълим соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари бир олам.

Фаргоналик Нафосат Ўсарова, қашқадарёлик Шаҳноза Раҳмоновалар ҳали ёш бўлишига қарамай, фан соҳасида изланаётган бўлсалар, Тошкент вилоятидан қатнашган Мастура Умарова эса, аспирантурада ўқиш билан бирга янги буғдой навларини яратиш бўйича иш олиб бормоқда. Самарқандлик Мамлакат Улашова халқ мумтоз

қўшиқларини ўзига хос усулда ижро этаркан келгусида ўзбек миллий қўшиқларини дунёга танитишни оруз қилади. Сирдарёлик Малика Ғайбиева бетақдор рақслар ижро этади.

Мукофот соҳибалари бўлиши бу қизларимизнинг нури келажаклари олинди. Келгусида улар орасидан зукко олимлар, фан кашфиётчилари, дунёга машҳур санъаткорлар, Зулфия опадек ҳассос шоирлар етишиб чиқар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти қизларимизнинг умр йўлларини нурга тўлдиришига, янги зафарларга чорлайверишига биз ишонамиз.

Басира САЙИДАЛИЕВА

МАҚСАДИМИЗ — АЁЛ — ОНА СОҒ-ОМОНЛИГИ



Элу-юрт фаровонлиги йўлида чарчоқ нималигини билмай, ҳурмат қозонаётган аёллар кўп жамиятимизда. Шулардан бири Самарқанд вилоят Касаба уюшмалари кўмитаси раиси Ойсулув НАҒАСО-ВАДИР. Яқинда муҳбиримиз у кишининг суҳбатига бўлди.

Ойсулув опа, касаба уюшмаларини меҳнат аҳлининг

суяган тоғи бўладиган жамоат ташкилоти десак, хато бўлмас. Мана, сиз аёл бошини билан шундай юки залворли, масъулият юксак ташкилотнинг вилоят бўғинини бошқариб турибсиз. Айтинг-чи, касаба уюшмаларининг дастурий ҳужжатларида оилага, унинг таянчи бўлган хотин-қизларга алоҳида ғамҳўрликлар кўзда тутилганми? Агар шундай бўлса, у ҳаётда қай даражада амалий ифодасини топаётир?

Хотин-қизларимизнинг нафақат оилада, балки жамият тараққиётидаги роли беқисс. Шундай экан, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини ўрганиб бориш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Масалан, биргина ўтган йилда вилоятдаги 168 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг иш ҳамда оилавий шароитлари ўрганиб чиқил-

ди. Умумий ҳулоса ёмон эмас, аммо иш бор жойда хато ҳам учраб тураркан. Меҳнат қончилигида айнан хотин-қизларга аталган бандларни “четлаб ўтиш”га ҳаракат қилган 20 нафар маъмурий шахсни муайян микродордаги жарима билан “сийлаш”га тўри келди. Бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича тузилган битимлар ижроси қаттиқ назорат остига олинди. Опа-сингилларимизнинг меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида 535.6 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, умумий текширувларда уларга берилган имтиёзлар — қисқартirilган иш вақти, имтиёзли меҳнат таътили, санитария-гигиеник шароитлар алоҳида назоратга олинди.

Хотин-қизларнинг дам олиш ва даволанишлари қандай ташкил этилмоқда?

Бу ҳам фаолиятимизнинг ўзига десам хато бўлмас. Шунга

кўра, бултур жами 2.5 мингдан зиёд киши соғломлаштирилган бўлса, шундан 1208 нафари хотин-қизлар эди. 320 нафар Оролбўйи минтақасидан келган аёлларга ҳам йўлланмалар улашдик. Вилоят ҳудудидagi санатория ва профилакторияларда ҳам 835 нафар оналар болалари билан бирга саломатликларини тикладилар. Езги мавсумда эса меҳнаткашларнинг 18400 нафардан зиёд фарзандлари оромгоҳларда дам олишди. Кам таъминланган оилаларнинг болалари учун алоҳида имтиёзли, яъни йўлланма умумий кийиматининг ўн фоизи тўланадиган шароит яратдик. Оилаларга, яъни кам даромадли оилаларга 84.6 миллион сўм моддий ёрдам уюштирдик.

Ойсулув опа, сиз ўзингизни меҳнатта, эл қорига бахшида этган аёлсиз. Зимман-гимизда эса яна оила, рўзгор масъулияти ҳам бор. Ҳамма-

сизга қандай улғурасиз?

— Ширингина иккита ўғлим бор. Шерзод 7-синфда, Бекзод 3-синфда ўқияпти.

Ҳар куни овқатни ўзим пишираман. Кечқурун мажлис ё бошқа тадбир бўладиган куни тушда вақт топиб, таомни тайёрлаб келаман. Сутур-сидирда ўғилларим кўмаклашади. Болалар тарбияси билан шуғулланишга вақт ажратишим қийин бўлади. Турмуш ўртоғим ўқувчи, шу боис тарбия ишига у киши кўпроқ масъул ва машғул бўлади.

Айтинг-чи, Касаба уюшма аъзолари ҳам газетамизни ўқиб туришадими?

— Умуман, “Оила ва жамият” ва касаба уюшмалари фаолиятида қандайдир муштараклик бор. Айниқса, соғлом авлодни шакллантириш, оила тотувлигини таъминлашда бу аққорлук кўзга ташланади. Қанийди, ушбу газета ҳар бир хонадонга кириб борса, оилалардаги тинчликни барқарор этишдаги ишимиз 30-40 фоизга энгилашган бўлармиди.

Суҳбатдош:

Хайрулла ҲАМРОЕВ

Уч-тўрт ой олдинги сўҳбатда бир ошнам гап орасида: "Маблағ топиб, бу йил ҳаж сафарига борсак зўр бўларди", - деб қолди.

- Умрлари узок бўлсин, саксонга бориб қолдилар онам. Шу инсоннинг менинг ҳаққимга қиладиган битта дуолари мен учун элликта ҳаж савобига тенг, - дедим мен...

Ошнам индамай қолди...
Етмиш етти ёш арафасида турган, ҳали ҳам бир кўлида асо, иккинчи кўлида тўрхалта тутиб, бозору дўконга боришни хуш кўрадиган мана шу аёл - менинг Онам!

Болалиги 30-йиллар қаҳатчилигида, 16-20 ёшлиги уруш даҳшатларига тўла даврга тўғри келган шу аёл - менинг Онам!

5-6 ёшдан далага чиқиб, 8-10 ёшдан кетмон урган - ер чоған, кечалари дўппи тикиб, лампа чироқ ёруғида дарс ўқишни ҳам қанда қилма-

келиб, эрта ё индинига ўқишга кетган. Бир ҳафта — ўн кулик чақалоқни онамиз олиб қолдилар. Бу келинимиз Мукамбархон ҳозир Глиэр номили махсус мусиқа мактабида муаллима. Уша чақалоқ — Рустам 102-мактабнинг 2-синф ўқувчиси. Икки набирани икки тарафларига ўтказиб олиб, дарсини тайёрлатадиган шу аёл — менинг Онам!

Икки набирани ёнига олиб, тунда бир неча бор уйғониб, уларнинг устини ёпиб кўядиган, уйда ё уйда эмаслигимизни билиш учун сездирайм оёқ кийимларимизни қарайдиган; кеч қолсақ, ўзини китоб ё газета ўқийётган қилиб кўрсатиб, қўшалок кўзойнак остидан эшикка қараб ўтирадиган, мана шу аёл - менинг Онам!

Мен яқинда 40 ёшга, катта укам - 38 ёшга, кичигимиз - 36 ёшга тўламыз. Аммо бизни ҳали ҳам "бола" деб айта-

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

**МЕНИ ҲЕЧ КИМ ҚУЙМАГАН
ОНАМДАН БУЛАК!**



(БАҒИШЛОВ)

ган шу аёл - менинг Онам!

16-20 ёшида елкасига обхаш кўйиб, катта-катта пақирларни Юнусободнинг "Бақаштепа" деган жойидан тонг қоронғусида пиёда Тахтапулга олиб келиб, қатиқ сотиб, рўзгор тебратган мана шу аёл - менинг Онам!

25 ёшида Бухоронинг Қорақўл туманида прокурор бўлган, ёлғиз қолган онанинг раёйига-хоҳишига қараб, вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимидан воз кечиб, Тошкентга қайтиб келган, бошқа олий ўқув юртига ўқишга кириб, бошланғич синф муаллими бўлишни афзал билган мана шу аёл - менинг Онам!

Битта мактабда қарийб 40 йил ишлаган, бошланғич синф муаллимаси, менинг биринчи ўқитувчим ҳам - Онам!

Келинимиз (катта укамнинг рафиқаси) олий ўқув юртининг кечки бўлими 2-курсда ўқиди. 1988 йили тўнгич ўғли туғилди. Келин 1 йиллик таътил олмоқчи бўлди. Онамиз айтдилар:

- Таътил олманг, болам. Ўқишда узлиш бўлса, иштиёқ ҳам сусаяди. Чақалоқни менга беринг.

Фарзанд кўрган чиллалик келинни ўқишга жўнатдилар. Кичик укамга айтдилар:

- Қаерда бўлсанг ҳам фалон маҳалга етиб кел машинангда.

Укам келди. Кичик келин кийиниб, чақалоқни кўлга олди. Гўдакни онасининг ўқиш жойига олиб боришди ва ... қорнини тўйғизиб, қайтариб келишди... Бу ҳол катта келин ёзги таътилга чиққунча давом этди. Уша келинимиз Дилоромхон ҳозир пойтахтдаги 102-мактабда муаллима. Уша чақалоқ - жияним Бехзод шу мактабнинг 8-синфида ўқияпти.

Буни қарангки, кичик келинимиз биринчи йили ўқишга қира олмади. Онамиз айтдилар:

- Болам, илм олишнинг эрта-кечи йўқ. Хунар ҳам зарур.

Шундай қилиб, тикиш-бичиш ўқуви-га жойладилар. Бу ўртада у ҳам фарзандли бўлди. Қизи бир ёшга тўлган, институтга ўқишга кирди. Янглишмасам, иккинчи курсдалигида жияним Рустам туғилди. Келин туғруқхондан

олишга журъати етадиган биргина инсон - менинг Онам!

Қарийб йигирма йиллик фаолиятимда юзлаб мақолалар ёзибман. Неча-неча қизларга бағишлаб даста-даста

шеърлар битибман. Онамга аталганларини ўтириб ҳисобласам... Битта мақолаю, утагина шеър чоп эттирган эканман: Бу - онамнинг эл-юрт олдидаги хизматлари учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан берилган мукофотлари, ёрликлари совғалардан ҳам анчагина кам миқдор...

Бошқасини кўяверай, ҳатто шу кечакундузда ҳам мени дуо қилиб, мен учун куюниб юрадилар. Бундоқ чуқур фикр юритиб кўрсам, бу дунёда менга куюб, мени суюб юрган биргина инсон бор экан. У ҳам бўлса - Онам!

Куйидаги шеърли сатрларни ҳам икки олам ишонган боғим, суюнган тоғим - волдам Ҳамдинисо Толиповага бағишлайман.

**"Жаннат — оналарнинг зери пойида!"
Бу ҳадисни айтиб сира тўймабман.
Юрдиму жаннатнинг илжиж - пайида,
Онам оёғин бир ўпиб қўймабман!**

**Бобур кўзларидан томган ёш охир
Маним кўксим узра тошга айланди.
Тарих бир қалқиди ўтиб беш аср,
Соғинчнинг доғлари ёшга айланди.
Бобур йиғлаб турар,**

**мен ҳам силкиниб,
Кўзларимни юмиб фарёд ураман.
Ҳинднинг йўлларидан чоғиб,
юлқиниб**

**Бобур ҳолатини такрор қўраман.
Бир тилик қовун, ох...
Битта бурда нон
Наҳот такрорласа тарихни ахир?
Мен подшоҳ эмасдим,
Кўнинг онажон -
Мени шоҳ кўтармиш телба бу тақдир!
Мозийдан сас келар**

**титроқ ва ғамгин
Беш аср беридан тинглаб юрибман.
Шоҳлик ҳавасимас,
Туяб нон таъмин -
Шоир Бобур бўлиб
йиғлаб турибман!**

Дилмурод САЙИД

Тошкент шахри

**ВУЖУДИНГИЗДАН
ТЕТИКЛИК АРИМАСИН**

2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб аталishi кўнгилларни завқ ва шавққа тўлдирди. Аини вақтда қарилкнинг моҳиятини англаб етиш, қарияларнинг кўнглини, руҳини янада кўтариш учун ҳар биримиз нималарга кўпроқ эътибор берсак дуруст бўлиши ҳақида кўп ва хўп мушоҳада қилдим. Юрагим тубидаги бундай саволларга жавоб топиш ниятида II—Тошкент Тиббиёт олийгоҳининг асаб касалликлари кафедраси мудири, тиб-

биёт фанлари доктори, профессор Мақсуд Асадуллаев билан мулоқот қилдим.

- **Мақсуд Махмудович, қарилк ўзини нима? Ёшликни узок сақлаш учун медицина нуктаи-назаридан нималарга эътибор беришимиз керак бўлади?**

- Тиббиёт таснифи бўйича қарилк 60 ёшдан бошланади.

Аммо инсон бу даврга толиқмасдан етиб келиши аввало унинг ўзига боғлиқ. Унинг ҳаёт йўли, бошидан ўтказган касалликлари ҳамда ўз соғлиги ҳақида нечоғлиқ қайғуришига қараб қарилк турли шаклда кечади. Бу даврга болаликдан бошлаб тайёргарлик кўриш лозим бўлади. Зеро, инсон дунёга келар экан, унинг соғлом ва бақувват ўсиши, ахлоқли ва тарбияли бўлиши дастлаб оилага ҳамда атрофдагиларга боғлиқ. Агар боланинг соғлиги ва тарбиясига яхши аҳамият берилса, ота-онанинг тинчлиги таъмин этилади.

Акс ҳолда касалланд бола туфайли бир оила овора бўлади. Яхши тарбияланмаган бола кўча тасдирига тушиб сигарет чекиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни одат қилади. Бундан яна ота-онага беадад руҳий жароҳат етиб, унинг қариши тезлашади. Демак, кексаликни орта суриш, қариш жараёнини усайтириш учун аввало фарзандлар соғлом ва ахлоқли бўлишлари керак экан. Ҳеч бир касаллик қарилк даврида бошланмайди, балки болаликда бошланган, ўрта яшар пайтда одатий тусни олган дард турлари кексалик даврида ўзини ошқор қилиб, ҳам ичдан, ҳам ташдан азоб бера бошлайди.

Масалан, болаликда учрайдиган сурункали тизилит, ревматизм каби касалликларга баъзилар кам эътибор қиладилар. Бундай касалликлар бир вақтнинг ўзида кўл-оёқ бўғинларида, юракда, қон-томирларда, бош миё тўқималарида яллиғланиш ҳолатини қаъриб, инсон танасини энг нохуш ҳолатларга олиб келади. Шунингдек, юрак клапани иллатлари (пороклар, полиартритлар), кичик хорая ва мия қон томирлари ревмоваскулити натижасида вужудга келувчи мия insultлари болалик ва ёшлик даврида ривожланиши мумкин.

Турли хил жароҳатлар ва шикастланишлар, автомобиль ҳалокати одамни ўрта ёшга етмасдан касалланд қилиб қўяди. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун аввало ҳар бир одам тўғри тарбияланган, тўғри овқатланиш рақисионага ўрганган, жисмоний тарбия билан чиникқан, тўғри турмуш тарзини олиб бора оладиган бўлиши керак.

- **Домла, айтинг-чи, тўғри овқатланиш рақисиона деганда нимани тушунмоғимиз керак? Турли ёшдаги одамлар учун овқатланиш рақисиона қай тарзда амалга оширилади?**

- Тўғри овқатланиш рақисиона деганда ўз ичига оқсил, ёғ ва углевод ҳамда турли хил витаминларга бой овқатлар билан уч маҳал овқатланишни тушунилади. Инсон

ўсиши, ривожланиши ва нормал фаолият юргизиши учун асосий озукани овқатланиш орқали олади.

Турли хил микроэлементлар, тузлар, тана скелетини қўшимча тўқимани, ички аъзоларни ва нерв системасини, хусусан бош миани озук ва билан таъминлайди. Булар ҳаммаси меъёрий кўринишда бўлиши керак. Ортиқча қабул қилинган оқсил, айниқса ёғ маҳсулотлари инсон танасида турли хил нохушликлар, ҳаттоки касалликлар ҳам қаъиради. Овқатланиш озиғна тўймай тўхтатиш фойдали бўлади. Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг:

**Изат тиласанг кам де,
Сихат тиласанг кам е,**

деган ҳикматли сўзларини эслаш кифоя. Касаллик турларига қараб махсус овқатланиш рақисиона, парҳез талаб қилинади. Бундай беморлар қаторига қандли

диабет, ошқозон-ичак яраси, ўткир гепатит каби касалликларга чалинган одамларни киритиш мумкин. Бундай беморлар шифокор тавсия этган парҳезга риоя қилишлари шарт. Акс ҳолда касаллик кучаяди, ёнги асорат қолдиради. Овқатланиш фақат кексалик ёшига боргунчалик аҳамиятли бўлмасдан, кўпроқ кексалик даврида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Тез ҳазм бўлувчи, витаминларга бой, айниқса суюқ овқатларни турли хил сабазавот ва кўклатлар билан истеъмол қилиш фойдали ҳисобланади.

Овқатланиб бўлган енгил жисмоний иш билан шуғулланиш керак. Халқимизда: "Тўрт мучалинг соғ бўлсин, оёғинг тагидан шамол ўтиб тўрсин", - деган дуо бор. Демак кекса одам ётиб қолмаслиги, доимо ҳаракатда бўлиши керак. Бундай одамларни боғлардаги, дала ҳовлилардаги меҳнат билан шуғулланишдан ташқари жамоатчилик ишларига ҳам кўпроқ жалб қилиш керак. Ўзгалардан тажриба жиҳатидан устуналигини сездириш уни гурурини уйғотади. Бу ҳолат руҳан енгиллик бериб, меҳнатга чорлаб, ғайрат бағишлайди.

- **Домла, қариялар учун спортнинг аҳамияти ҳақида фикрингизни билмоқчиман?**

- Спортнинг аниқ бир тури билан астойдил шуғулланиш қарияларни сезиларли тарзда ёшартиради, десам муболага бўлмайди. Спорт қарияларнинг ҳам танасини, ҳам руҳиятини қийнақтиради. Тарихимиздан маълумки, ота-боболаримиз орасида таниқли курашчилар бўлган. Улар кексалик даврларида ҳам нафакат ўзларини, балки атрофдагиларни ҳам ҳаётга қизиктириб, руҳан яшартирганлар. Қариялар орасида "морж"ларни, яъни қишда ҳам анҳорда чўмлайдиганларни кўргансиз. Уларнинг соғлиғига ёшлар ҳам ҳасад қилгулик. Жисмонан соғлом, руҳан тетик одамнинг доимо ишлаш имконияти кўп бўлади. Бундайлардан оилага, жамиятга катта фойда келади.

- **Демак, қарияларни қадрлаш деганда улардаги ишчанликни, ҳаётга бўлган муҳаббатларини оширишни тушунмоғимиз лозим бўлмасми ва шундагина улар олдидаги бурчимизни оқлаган бўламыз, шундайми?**

- Албатта.

- **Мақсуд ака, қимматли фикрларингиз учун раҳмат. Ўзингизга ҳам ёшлик ғайрат-шижоати ҳамроҳ бўлиб қолишни тилаймиз.**

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ



«Мен сенингдай пайтларимда...»

М. Мирсолиқов фототўли.

Ассалому алайкум, севимли "Оила ва жамият"нинг меҳнатсевар, меҳрибон, ҳамisha изланишда бўлган ижодкорлари! Мана 3 йилдики, рўзноманинг бирор-бир сонини қолдирмай ўқиб келаман. Оллоҳ насиб этса, яна кўп йиллар муҳлисингиз бўлиб қолиш ниятидаман.

"Оила ва жамият" бошқа рўзномаларга сира ўхшамайди (бу факат менинг фикрим эмас). Сиз ижодкорлар ҳаётимизда ҳар кун учраб турадиган турли хил воқеа, ҳодисаларни ёзасиз. Муҳлис хатларига жавоб берасиз, маслаҳатларингиз билан далда бўласиз. Муҳлислар билан ҳамisha муло-

қотдасиз, хоҳ у ташриф бўлсин, хоҳ телефон кўнги-роғи, тушқунликка тушган инсоннинг энг оғир дамларида суянадигани, маслаҳатдошисиз. Шахсан

да севиб ўқиймиз. Умуман ҳар бир мақолани ишхонадаги хотин-қизлар, кўни-қўшнилариимиз, ма-

барча чарчоқлар ўз-ўзидан барҳам топади. Де-моқчиманки, "Оила ва жамият" ҳам тарбия, ҳам ижод манбаи. Уси на уйимизни, на ишхона-

Муштариининг дил ихзори

НЕГА БУНЧАЛАР СЕВИМЛИ ВА АЗИЗ?

мен Басира Сайидалиева, Ариффа Ҳасан қизи, Хулкар Ҳотамбоева, Тоҳир Нори-мов, Лола Аҳмедова, Раҳима Шомансур, Санъат Маҳмудова каби ижодкорларнинг мақолаларини жуда севиб ўқийман. Уларни та-нимайман, аммо чин кўнгилдан яхши кўраман. Турсуноӣ Содиқованинг "Ўғлим, сенга айтаман", "Қизларга аталган сўзлар" каби ўғитларини оиламиз-

ҳалладошларимиз билан муҳокама қиламиз. Биласизми, нима учун "Оила ва жамият" бунчалар азиз ва севимли? Чунки воқеалар ҳақиқий, мақолалар таъсирчан. Кўпинча биз аёллар оғир ва му-сибатли воқеаларни ўқиганимизда йиғлаб-йиғлаб оламиз. Бахтиёр инсонлар ҳақида ўқиса, бе-ихтиёр хурсанд бўлиб ке-тамиз. Шундай дамларда

мизни, на маҳалламизни тасаввур эта олмайман. Омад ва муваффақиятлар Сизга ҳамisha ёр бўлсин. Баҳор байрами — Наврўз байрами барчангизга муборак бўлсин, азизлар!

Гулчеҳра ҲАБИБУЛИНА, Бектемир тумани, "Оила" маркази раҳбари

Болалик хотирамда бувимнинг онаси — оппоқ бувимнинг су-врати муҳрлиб қолган. Йиллар ар-мони аёвсиз тўр солган, гижим-ланган қороздек юз, сийраклашиб қолган оппоқ соч, бир бурда-гина жусса, қай-та чиқа бошла-ган майда-май-да тишлар... Оппоқ бу-вим ҳақида эслаганда ҳар гал айнқса икки воқеа ёдимга келавера-ди.

Илк баҳор кунлари эди чамамда. Варра-гимга оппоқ бувим-нинг кўзмончоғи ва турли ипакларидан зеб бериб, дум қил-моқчи бўлдим. Қани энди уларни олиб бўлса. Ҳаммаси юқори равоқ шифта-даги ойна халтада. Қандай бўлмасин уларни олишим керак. Кўнглимда ўртоқла-римнинг кўзини куй-дираман, деб аҳд қилиб қўйганман, ахир. Нарвонни олиб келиб қўйиб аввал ой-нахалтани олдим, ичидан тўрттагина кўзмончок, ҳар хил ипак қатим ажратиб, ҳовучимга қисдим. Ойна халта-ни яна жойига илганимда иш бузилди. Юқоридаги яқма ми-хаги илинган қулча ерга қарс этиб тушиб, тўрт бўлак бўлди. Сер-райиб қолдим. Сўнгра апил-та-пил тушиб, қулча бўлақларини йиға бошладим.

- Нима қилаясан, шумтака, - дея оппоқ бувим кириб келди. Бир менга, бир нон бўлақларига қараб, ранглари қув ўчди. Тиз-залари қалтиради чамаси мун-киб кетдилар. Оппоқ бувимнинг важоҳатини кўриб, қўрқиб кет-дим.

- Шу кунни бир тарсаки едим. - Ахир бу қулча табаррук, муқад-дас-ку. Кўрмадингми, унда катта тоғой болбаларингнинг тишларини изи бор. Неган синдингнинг, нима учун шугина умидимдан ҳам айир-динг мени, - дедилар куюниб оп-поқ бувим.

- Мен қаердан ҳам билибман бу қопқора, тошдек қаттиқ қулча у ки-шига бунчалар азизлигини. Эртаси кунни оппоқ бувим кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Уч кун деганда чўп-устихони чиқди. Тез-

Хотира — муқаддас

тез сув ичар, лекин томоғидан овқат ўтмас эди. Мунгайибгина олди-ларига кираман. «Болам-бўтам»,

ОППОҚ БУВИМ



деб эркалайдиган оппоқ бувим бе-парво, фақат "Келмайди, энди келишмайди, болаларим", - дейди ҳар замон кўзини очганда. Ойимга тер-муламан. У киши елкамдан оҳиста тугтиб ҳовлига чиқариб юборадилар. Мен бўлсам эшиқдан нари кетол-майман негадир.

- Тешакул билан Болтақулим тиш-ларча, бу қулча юрагимнинг бир парчаси эди. Ўғилларимни риски тортиб келарди. Бунга ишонардим, болам. Ахир уруш тугабдики, кута-ман уларни, - оппоқ бувимнинг ўқсик овози қулоқларим остидан кетмайди. Кўшни ҳовлидан иссиқ нон хиди келади. Югуриб бораман. Кўшни келинчак тандирдан қип-қизил нон қулчани узиб қўлимга беради. Кўлимда қип-қизил, бўрсилдоқ қулча, югургилаб оппоқ бувимнинг олдига кириб бораман.

- Оппоқ бувижон, мана бутун қулча. Олинг, унинг ўрнига илиб қўямиз. Ян-гачамдан олдим, - дейман ўпками бо-солмай. Оппоқ бувим, ойим чўчиб тушиша-ди. Ҳайрат билан юзимга боқади-лар.

- Йўқ-йўқ. Керак эмас. Уни ўрни-га осма қулчани. Болагинамнинг риски қийилмасин.

Кип-қизил, иссиққина, бутун қул-чани олмайдилар-а, оппоқ бувим. Тўрт бурда қоп-қора, тошдек қотиб кетган қулчани бағрларига бо-садилар. Қайноқ ёш юз-ларидаги чукур чизиқ-лар бўйлаб сизиб боради. Кўм-кўк томirlлари ўйнаб чиқ-қан қўллари билан туморла-рини силайдилар.

Яшириб нима қилай, катта бувимнинг бўйинларидаги ту-морларига жуда қизиқиб қол-ганман. Сабаби, у киши ту-морчани ҳеч ҳам бўйинлари-дан ташламайдилар.

Катта бувимдан сўрайман. - Оппоқ буви, бу нима? - Тумор-да, кўрмаясанми, кўзичоғим. - Унинг ичида нима бор? - Муқаддас нарса бор, кўзи-чоғим.

- Муқаддас нарса - нима ўзи? - Катта тоғаларинг келса оча-ди буни, ўшанда биласан. - Қизиқишим ортади. Катта то-ғамлар қилар? Билишни ис-тайман. Ойимлар қанча тушун-тирсалар ҳам англаб ололмай-ман тоғаларим кимлигини. Ба-рибир уларнинг келишини сабрсизлик билан кутаман.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Кат-та тоғамлардан эса дарак йўқ. Ка-лишини судраб, сассиз юрадиган оппоқ бувим бўлса қариб борарди.

Катта бувим 96 ёшга кириб вафот этдилар. Ўшанда 13 ёшда эдим. Бувимнинг эттиси ўтиб, туморни очиди. Саргайиб кетган уч бурчак хат лотин алифбосида ёзилган эди. Ойим ўқиб бердилар:

«Ойижон, Гитлернинг куни битди. Бир ҳамла қилсак унинг ўргимчак уйидек янчиб ташлаймиз. Икки то-ғам, акамнинг хунини олиб қайта-ман. Яхши кунлар олдинда. Кутинг, албатта борамаган. Ўғлингиз Теша-бой. Ҳаракатдаги армия, 1945 йил, 31 апрел. Берлин...»

Туморнинг муқаддаслиги менга аён бўлади. Бўғзимни алла бир нарса қуйдиради. "Бувингни тўйи бугун. Ол, табаррук ошдан е", де-ганлари учунми таъзия кунни энча қуйиб йиғламаганман. Энди эса кўзимдан қайноқ ёш қуйилаверади, қуйилаверади...

Тошпўлат ХУСАН

Бухоро вилояти, Вобкент тумани



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

(Боши ўтган сонларда)

Яхши қиз ҳеч қачон қўлларини осилтириб ёки қовуштириб ўтирмайди. Соатлаб теле-визор кўрадиган ё атрофига чала иш йиғиб, ўтирволиб китоб ўқийверадиган, ё бўш вақт тоғди ухлайверадиган қиз ҳам маъзул қиз эмас! Чунки қиз бола хунуки чиройли, йўқни бор қилгани, бежаб-тегагани, юрган йўлини янатиб, кўнгилларини қувонтиргани дунёга келади. Аммо, сен кўркма, бу — теғирмон то-шини кўтариш, яъни тинканг қуригунча тер-лаб-пишиш дегани эмас! ЮРАГИНГДА ҲАМ-МА ИШНИ ЧИРОЙЛИ АДО ЭТИШ ХОҲИШИ БЎЛСА БЎЛДИ! Шу туйғунинг оти — ИХЛОС, ЯХШИ НИЯТ! Бир ишни ихлос билан қилиш-нинг ўзи "Одамлар, сизни яхши кўраман" де-ганинг бўлади. Бундай одамни Оллоҳ ярла-қайди — элнинг дуосига сазовор этади, дуо олиш эса назарга тушиш, бахтли бўлиш де-мақдир.

Эсингда бўлсин, ҳар не қилсанг, имкония-тинг, ҳолинг даражасида қил. Узини аяй би-лиш ҳам саранжом қизнинг иши! Жисму жон бизга берилган неъмат, уни исроф қилсак, эҳтиётламасак, жабр тортамыз. Фақат ўзимиз-гина жабрлансак майлику-я, бизнинг бағри-миздан униб чиқадиган болалар ҳам зиён-зах-матда қоладилар!

Юрак ҳам, ўпка, буйрак, жигар ҳам қилқил-лаб турган бир парча гўшт, темир эмас. У ўзингдан ортиб боланг ҳам ишлаши, яъни бўлиниши керак. Асра, бу жон нуқталаринг-ни жонсарақлик билан асра! Хўш, улар қачон захаланади? Вақтида овқат-ланмасанг, чанг, нопок жойда узлуқсиз бўлсанг, зах жойда ўтирсанг, юпка кийинсанг, айниқса, қўлинг билан оёғингни кунда муз-дай сувга солаверсанг, йўлинг — хатар! Ҳам-ма аъзоларга иссиғу совуқни узатадиган — оёқнинг тағи. Оёғингни астойдил асра! Эрин-ма, салқин туша бошлаган заҳоти рўзгор ишларига кетадиган сувини сал бўлса-да ил-тиб, захрини кеткизиб ол...

Талабалик — ёшлик, ўзбилармонлик, пала-партишлик фасли. Тергайдиган ота-она узок-да, ўқишга кеч қоламан деб, чой ичмай ҳам кетаверардики, имтиҳон пайти бўлса, иссиқ овқат ҳам кўнглимизга сиғмай қоларди. Аммо Матлуба ва Фаридда исмли икки дугонам бор эди, уларнинг ибратли ишларини ҳануз ҳавас билан эслаймам: улар ҳеч қачон эрталабки чойсиз қўчага чиқмасдилар. Сариг ёғ билан асал аралашмасининг кетини узишмас, шо-шилиб туришса ҳам, эрталабда, албатта, ун-дан тановвул қилишар, "бу шамоллашнинг олдини олади" деб тазкидлаб қўйишарди. Мен эса, кайфиятим ёмон бўлса ҳам, бир ўзим қолсам ҳам, овқат емай қўярдим, силлам қури-ганга ташвиш чекмасдим. Қарабсизки, кам қонлик деган нарса умр буйи менга ҳамроҳ бўлди. Бу ҳам етмагандай, бир қизим уни "мерос" қилиб олди!..

Ой қизим, сен менга ўшаман, ўзингга эъти-бор қил, қолаверса, агар тану жонингда но-соғлигинг бўлса, албатта, даволаниб, сўнгги-на турмушга чик. РЎЗГОРГА, УМУМАН, ЖУМЛА-ЖАҲОНГА СОҒЛОМ АЁЛ КЕРАК! Уйлик бўлган-нингда ҳам икки қулоғинг саломатлигингда турсин! Юмушни ҳам қилавер, ўзингни ҳам режа билан ушла. Қаттиқ бўлса ҳам айтмай, но-соғлом одам яқинлари учун юк, сенга тегиш-ли юмушни ҳам елкаларига олишлари керак, ўзи шундоқ ҳам ҳар бир инсоннинг ўз ташви-ши ўзига етади. Ота-онанг роҳатингни кўриш ўрнига қўзингга термулиб ҳалак! Жуфтинг бир ёнда уф тортеб таранг! Яна билки, сенинг қаеринг касал бўлса, болангнинг ўша жойи нозик тугилади... Хуллас, ўзинг ўзингга посбон бўл, ўзингга ўзингдан зўр табиб йўқ.

(Давоми бор)

Турсуноӣ СОДИҚОВА

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

1. "Ҳеч ким мени тушунишни истамаёпти"

Баҳодир рўзгорини тебратиш учун Уста бозор кўчасидаги "Паловхона"га ишга кириб, қандолатчилик цехида бинойидек ишлаб юрди. Обрўси ҳам жойида эди.

Вақт ўтган сари Баҳодирнинг хулқ-атвори ва кайфиятида ўзгариш сезила бошлади. Хаёлпараст бўлиб қолди, ҳудудеҳудага телба-тескари гаплар гапира бошлади. Унинг алмойи-алжойи гапларидан касбдошлари таажжубга тушибарди. Бора-бора бошининг оғришидан нолийдиган бўлди.

- Ая, бошим тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди, кўзимга ҳар хил нарсалар кўринапти. Баъзида руҳлар билан гаплашаман, - дея дардини ёзди онасига хаёлпараст ўғил. - Шу денг, ўзимдан кўрқиб кетялман. - Бўлмаса таниш дўхтиримизга кўрсатайми?

- Керак эмас, дўхтир-пўхтирларингиз. Ҳеч ким мени тушунишни истамаёпти. Ҳатто сиз ҳам...

2. "Қонсираган" қотил

Баҳодир ўша тун касбдошлари Фанижон, Абдурахмон ва Билалжонлар билан эрталабгача тер тўкиб меҳнат қилишди. Улар фақат соат тўққиз яримлардагина ишдан бўшадилар. Кундузи ишлайдиганлардан Нўмон келган заҳоти ўз ишига киришди.

Фанижон бир оз тамадди қилиб олиш таклифини киритди. Баҳодир дарров дастурин оёзди.

Нечундир Баҳодирнинг ўзи овқатланишга шошилмади. Яна дам олиш хонасига кириб кетди. У ерда касбдоши Нўмон билан гижиллашиб қолди.

- Бўлмаса, мана сенга, - дея Баҳодир хамир кесадиған пичоқни Нўмоннинг бўйнига тортиб юборди. - Сенмисан хотинимнинг "эгат"ига сув кўядиған? Дўстлигимизга хиёнат қилгандан кўра...

Кўлидаги қонли пичоқни маҳкам ушлаб олган Баҳодир қочаётган Нўмонни ҳовлига қувлаб чиқди.

Цехдагилар Баҳодирнинг дағдағаси, важоҳати ва қўлидаги қонли пичоғидан кўрқиб, унинг олдига боришдан қўчишарди, юраклари бетламасди.

- Баҳодир, пичоқни ташла. Нима қилаётганингни биласанми? Ақлингни йиғиб ол... Бақир-чақирлардан ўзига "келган" Баҳодир кўлидаги пичоқни ташлаб уйи сари йўл олди. Нўмонжонни 1-шаҳар касалхонасига олиб кетишти.

Шифокорлар етти жойидан пичоқ еган Нўмонжонни ўлим чангалидан олиб қолиш учун харчанд ҳаракат қилишмасин муолажалар наф бермади. Бемор бу оламни тарк этди.

3. Ҳеч ким мени тушунишни истамаёпти

Кўқон шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси А. Собиров хаёлпараст қотилни сўроқ қилмоқда: - Нўмонжонни умрига нега

завол бўлдингиз? Қандай ҳусуматингиз бор эди унга?

- Нўмон дўстликка хиёнат қилди. Бир кун кўзимга "рафиқам билан жинсий алоқа қилаётгани" кўринди. Ана шунинг учун ундан касдимни олдим.

- Ўз кўзингиз билан кўрган эдингизми?

- Ўзим кўрганим йўқ, хаёлимда намоён бўлди.

- Бу ҳолат неча марта такрорланди?

- Ана шундай "манзаралар" кўзимга бир неча бор кўринди. Улар менга тинчлик бермай кўйдди. Дилимда "уни ўлдир, ўлдир" деган ўйлар пайдо бўлди. Кўйинги, фурсати келганида ана шундай "иш" қилдим.

- Пичоқни қандай вазиятда унга тикдингиз?

- Нўмонни дам олиш хонасига яққа ўтирганини кўриб, яна жазавам кўзиди: кўзимга ўша "манзара" кўринди, гўё

рафиқам билан кучоқла-

шиб ўтирибди... Ана шуларни эслаб, аччиқ устида Нўмоннинг бўйнига пичоқ тортиб юбордим.

- Дўстингиз қаршилик қилмадими?

- "Баҳодир, нима қилапсан?" - деган гагини эслайман ҳолос. У бақирганида мен пичоқни унинг чап биқинига бир неча маротаба урдим. Қонганида эса ишхонамиз ҳовлисига қувиб чиқдим. Касбдошларимнинг бақир-чақирларидан кейингина ўзимга келдим. Мухими, ундан касдимни олдим. Бўлган воқеа шу.

4. Суддан кейинги ўйлар

Фуркат туман суди томонидан ушбу жиноят иши кўрилиб, Бегматов Баҳодир Турсунович Ўзбекистон Республикаси ЖЗКнинг 97-моддаси 1-қисмидаги жиноятни содир этган бўлса-да, унинг ақли норасо бўлганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, тиббий йўсиндаги мажбурият чораси сифатида қузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш учун юборилди.

Албатта, Бегматов Б. даволаниб, уйига қайтар. Лекин бир бегуноҳ инсон ақли норасо шахсининг айби билан бевақт ҳаётдан кўз юмди. Унинг оиласи, болалари, ота-онаси йиғлаб қолди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди. Бегматов Баҳодирнинг ота-онаси, қариндошлари, кўни-қўшилари, бирга ишлаганлар наҳотки унинг касаллигини сезмадилар? Агар ўз вақтида Баҳодирнинг касаллиги аниқланиб даволаш чоралари кўрилганида, бир бегуноҳ инсон бевақт ҳаётдан кўз юммас, унинг яқинлари ҳудуди дардидан изтироб чекишмасди.

Демак, бир-биримизнинг ҳол-аҳволимиздан, руҳиятимиздан огоҳ бўлиб яшашимиз ҳам қарз, ҳам фарз экан...

Облоқул СУЛТОНОВ,
Кўқон шаҳар прокурори,
Қурбоной СУЛТОНОВА,
журналист

Кейинги пайтда айрим кишиларнинг бир-биридан пул қарз олиб бермай қўйишлари кўп учрамоқда. Натижанда жабрланувчилар, яъни қарз берувчилар азият чекиб ички ишлар идораларига мурожаат қилишмоқда. Айниқса, яқин оғайнилар, қариндош-уруғлар бир-бирига берган қарзини ундира олмаётганидан нолиб, шикоят қилиб келишадигани кишини ташвишга солади.

Албатта, ақсарият олдиберди қилувчилар ўртасидаги қарз бериш ва қайтариш масаласи шунчаки, оғзаки бўлган, қарзни расмийлаштириш учун нотариал идорасига бормаган. Агар ҳар ким ўз ҳуқуқини билса эди...

Айрим кишиларнинг соддалиги, ишонувчанлиги, инсоф ва динат устулнги биринчи ўринга қўйишдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган лўтти-возлар уларнинг пулини олиб чув тушириб кетишмоқда. Нодира исмли 30

пуллари унга тушса-да, яхши кунларига буюрмади. Жиззах ва Бухоро вилоятлари ҳудудида фирибгарлик жиноятларини содир этиб юрган бу аёл ўзини "Дилдора" дея таништириб аёлларнинг тилла тақинчоқларини алдаб олиб кетди. Унинг найранглари кишини таажжубга солади. Лекин аёлнинг эртақларига қулоқ осиб, ҳатто қулоқларидаги тилла сиргаларига чечи берган бу аёлларнинг соддалиги ҳам кишини ажаблантиради.

Қисқаси, соддадил аёлларни лаққа тушириб, тилла узукларни тақиб юрган бу аёлнинг қўлларига темир кишан тушди.

"Менинг эрим шу туманга катта бир раҳбарлик лавозимига ишга келаяпти. Биз шу ердан уй олмоқчимиз, эримнинг эса вақти йўқ", - дея содда кишиларни алдаб дастлаб уйларига кириб, сўнгра уларни ёлғон тўрига илтиради.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

наҳот қидириб, унга ҳам муурожаат қилишади. Унга "ихлос" қилганлардан бири - Пардагул хола шифо топиш туғул унинг янги найрангига учиб, роса оворай сарсон бўлди. Чунки у ўз ўғлининг Тошкентдаги юридик коллежининг талабаси эканлигини айтган, табиб хоним бирпасда ҳуқумат одамига айланиб қолди. Куф-суф орасида: «Опажон, мен илгари кўп йиллар вазирлик ва судларда ишлаганман, ўша идораларда ҳозир ҳам танишларим жуда кўп. Биронтаси битта сўзимни иккита қилмайди. Агар ҳўп десангиз болангизни ўзим, коллеждан бир йўла университетга жойлаб қўяман», дейди. Бунинг учун фақат сиз менга 130 минг сўм берсангиз бас, дейди. Унинг дуолари таъсириданми ёки бошқа сабабми билмадик, "Ўлингизга қизил диплом олиб бериб, Нукус Давлат университети тининг юридик факультетига ўқишга жойлаб

ФИРИБГАРНИНГ БАҲОН ТҮРИГА ИЛИНМАТ...

ёшли аёл макр-ҳийла бобида ўзи тенги 40 та аёлга дарс беради. Шу хоним денг, дастлаб Мукаррам исмли аёлнинг ишончига кириб 50 минг сўм пулини олиб кетди. Сўнгра Баҳри опа деган танишининг уйига бориб: "Онам оғир касал, уни даволатиш учун 100 минг сўм қарз бериб туринг", дейдию пулни олиб жуфтакни ростлайди.



кўяман", - деган гапига ишонган Пардагул опа пулини бериб юборди.

Осонгина топилган мўмай пулнинг ҳидидан руҳланган Фотимахон кўп ўтмай қайтиб келиб: "Мен ўлингизга қизил диплом олиб келдим. Энди Тошкентга коллежга бориб юрамсин, Нукус Давлат университетининг

Орадан кўп ўтмай у таниши Сабохоннинг уйига бориб: "Қайнонам касал ётибди. Фозизга пул олишим керак эди. Шунга сиз тилла тақинчоқларингизни гаровга қўйишим учун қарзга бериб туринг", деб бир дона 16 минг сўмлик узугини олди. Яна бир дона 14 минг сўмлик узуги ҳамда бир дона тилла мунчоғини, жами 100 минг сўмлик қимматбахо зирақларини олибди. Шунингдек, у Сурайё, Диффузаларнинг ҳам ишончига кириб бирининг 100 минг, иккинчисининг 16 минг сўм пулини олиб қайтариб бермайди.

Шу ўринда бир савол туғилади-да. Наҳотки, бу аёллар шунча пул ва тақинчоқларни дабдурдудан унга бериб юборишдан бўлса? Бу ерда қарз берганлардан ҳам хато ўтган. Шу боис, бу аёл уларнинг айримларига: "Пулингизни шунча қилиб қайтараман деган бўлса, бошқаларига арзон нарҳда ун олиб бераман", - деб ваъда берган. Улар бунинг шунчаки ваъда-тузоқлигини билишмаган. Охир-оқибат мана фойдани ўйлаб боридан ҳам айрилиб қолишган.

Нодира сингари Орзигул исмли аёл ҳам баъзи аёлларнинг соддадиллиги ва ишонувчанлигидан ўз манфати йўлида унумли фойдаланиб қолмоқчи бўлганди. Бирок, уларнинг ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига топган

Яъни: "Сиз хавотир олманг, ўйингизни айтган пулингизга сотиб оламиз. Уй менга ёқса эримга ҳам албатта ёқади", деб уларни ишонтиради. Сўнг ялмоғиз кампир сингари бир юмалаб: "Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқай дебди, эртага сингилмининг турилган кун эди-я, унга бирон тилла тақинчоқ совға қилмоқчи эдим. Агар тилла сотадиған аёллар бўлса айтган пулига олардим", - дея дастлаб озгина пул беради. Қолганини эртага олиб каламан, деганича 8 нафар аёлнинг 1 миллион 320 минг сўмликдан зиёд қимматбахо буюмларини осонгина олиб кетади.

Фотима исмли сохта мухбир аёлнинг қилмишларини эшитиб ёқа ушлайсиз. Ўзини "Фалончиева Писмадончи", деб танитган ва аёл Тошкент шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. Оилали. Жиноий қилмишлари учун 1995 ва 1996 йилларда судланган. Президентини фазмининг Амнистия ҳақидаги фарзониға асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Озодликка чиққанидан сўнг ҳам таъба қилмасдан, эски касби — товламачилигини давом эттирган. Ўз фаолиятини пойтахтдан узокроқда — Қорақалпоғистон Республикаси туманларидан давом эттирган.

Ўзини мухбир қилиб таништираган. Мўйноқ туманидаги Тўқмоқ ота қабристонига табиблик қилиб беморларни даволай бошлаган. Бундан хабар топган баъзи хаста кишилар

юридик факультетига гаплашиб қўйдим", - дейди. Яна 1200 АҚШ долларини опадан кўртдай санаб олиб кетади.

Орадан бир ой ўтган, опанинг ўғли Дилшод: "Фотима опа қамалиб қолибди, у бизларни алдаган экан", деганидан сўнг ўғлидан: "Фотима опанг олиб берган қизил диплом қани?" - деб сўрайди. Ўғил эса, унинг ҳеч қандай диплом бермаганини айтган, бу аёлнинг ўзларини чув тушириб кетганини англайдилар.

Бу аёл Нукус шаҳридаги уйлардан бирида рўйхатдан ўтмай яшаб юрган пайтда кўни-қўшнларга ўзини: "Юқори ташкилотларда ишлаган ишбилармонман", деб таништиради. Уларнинг ишончига кириб олади. Ўз фойдаси учун мўмай пул топишини анча ҳадисини олиб қолган Фотимахон кўшниси Светланахоннинг уқаси қамалиб қолганини эшитган, яна фаолиятини бошлайди. "Укангни чиқариб олишга ўзим ёрдам бераман", - деб алдаб 500 минг сўм пул ва 1550 АҚШ долларини олиб кетади.

Хуллас, унинг фирибгарлиги қўлига кишан тушишга сабаб бўлди. Шу боис, бугунги ҳисоб-китобли замонда нафақат пулни, балки ишонччи ҳам ҳисоб билан ишлатиш зарар қилмайди.

Шухрат РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Матбуот маркази ходими

БИРОВНИНГ БАХТИНИ БУЗМАНГ

«Узим устаган инсонни учратдим» — 46-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Ёшим 25 да бўлишига қарамай, ҳали турмушга чиққаным йўқ. Бир йигит билан танишиб қолдим. Биз бир-биримизни жуда севамиз. Лекин унинг оиласи, битта фарзанди бор...

НАРГИЗА

Хурматли синглим С., дил изҳорингизни ўқидим ва кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чунки ўзимнинг бошимдан шундай кунлар ўтди.

Жоним синглим С., сиз у йигитни яхши кўрсангиз ҳам, жажжигина фарзанди учун севингиздан воз кечинг. Шу болани етим қилиб, отасидан айирсангиз сизни Худо

ҳам, инсонлар ҳам кечирмайди. Ўзингизни ўша йигитнинг хотини ўрнига қўйиб кўринг. Ушанда бу ҳаракатингиз қанчалик хунук эканлигини юрагингиздан ҳис қиласиз. Сизга маслаҳатим — ўша йигит билан бир умр ака-сингил бўлиб қолинг. Фарзандининг ҳаққи-хурмати йигит билан алоқангизни узинг. Акс ҳолда йигитни ҳам, сизни ҳам гўдакнинг кўз ёшлари уволи тутадди. Бировнинг бахтини бузиб, бахтли яшагандан кўра яшамаган яхши. Синглим С., ҳали ҳаётда бахтли бўлиб кетасиз. Жажжи фарзандларингизни қўлидан ушлаб ўйнайтиб юрасиз, кейингиз бахт нималигини тушунасиз.

Ширин ЖУМАЕВА

Қашқадарё вилояти

БУ НОМАРДЛИКДИР

«Уни ҳеч ким менчалик қадрлай олмайди» — 39-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Эрим менга сездирмай уйланиб олибди. Наҳотки, ўша 24 ёшли қиз отаси қатори оилали, ҳатто неваралик, 56 ёшли эркакка иккинчи хотин бўлиб, болаларнинг ризқини ярим қилиб, бир муштипар аёлни қон қакшатиб яшаса.

А. Г.

Хурматли А.Г! Сиз жуда сабр-бардошли аёл экансиз. Ҳеч ерга "доа" деб бормай газетга хат йўллабсиз. Бу энг кулай йўлдир. Эрингизга айтадиган гапим кўп. Лекин керагини айтаман:

«Эй, эркаклар султони! Ўз оиласининг моддий таъминотини ночор ахволга солган ҳолда ўз хузурини ўйлаб, машаат қилиб юриш мард эркакнинг ишми? Бу номардлик аломатидир. "Кўрпангга қараб оёқ узат" деган мақол бор. Бунга амал

қилган одам ҳаётда қоқилмайди. Қадамни ўйлаб босиш керак. Иккинчи оиладан воз кечиб, Аҳду паймон қилиб турмуш қурган биринчи аёлингизга бўлган садақангизни амалда намоён этинг. Бола-чақангизнинг келажакини ўйланг».

Отаси тенги одамга турмушга чиққан қизга айтадиган гапимиз бор:

«Йўл бошида адашган эй, қиз! Хотин, бола-чақали бир кекса одамга иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқиб қаттиқ янглишибсан. Бола-чақасининг ризқини ярим қилиб, бахтли бўламан деб ўйлдингми? Ҳали ҳам кеч эмас. Гап-сўзга қолиб юрма. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Тенгдошларинг ичида қандай бош кўтариб юрасан. Таги мурт омонат турмушининг бахридан кечгин. Бахтли бўлиш ўз қўлингизда.

Юнус ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси

Тошкент шаҳри

СЎЗНИ ШИРИН ОДАМ ҲАР КИМГА ЁҚАР

«Фарзандларимиз бизни уялтириб қўямасинлар» — 2-сон

ЭСЛАТМА: Баъзан фарзандларимизнинг келгусида пулга ўч, манман, дўстларини менсимайдиган бўлиб улғайишига ота-оналар ва оиладаги муҳит ҳам сабабчи бўлади.

Х. ТҶИЧИЕВ

Кўча-кўйда одамларнинг муомаласига эътибор бериб беихтиёр ёқа ушлайсиз. Ёш, чиройлигина қиз икки йигит ўртасида гап бериб келмоқда. Бир шеринининг гапи ёқмади шекилли, қиз шунчаки сўкинди-ки, "Ё астафурullo, бу қиз болани, ахир йигитлардан бешбаттар-ку", деб юборибман. Бозорда сочига оқ оралаган сотувчи эркак кимгадир: "Э олма-

санг..." деб етти пуштира етгучи қўланса сўзларни баралла айтиб, гўё қаҳрамон бўлгандек мағрур қараб қўяди. Бу каби воқеа, ҳодисаларга кунда дуч келамиз. Ахир сўзлашув маданиятимиз шу тарзда кетса, қашшоқлашиб ўз чиройини йўқотмайдами?

Фарзандининг кийиниши кўчанинги олди бўлиб юришига шариот яратиб қўяётган ота-оналар унга шарқона одоб, муомала маданиятидан ҳам сабоқ беришса бўлмасмикан. Улуғ маърифатпарвар А. Авлоний шундай деганлар: "Тилларнинг энг яхши сиёзга уста тил, сўзларнинг энг яхшиси билиб, охирини ўйлаб сўзланган сўздор".

Гулзода ГУЛБОВЕВА
Навий шаҳри

АКС САДО

Бекзодга эса:

ОНАНГИЗНИ АСРАНГ...

анча йил бирга яшадим. Қайнотамни ўз отамдек яхши кўрардим. Уларни шунча хизматларини қилган бўлсам ҳам, бу жуда оз деб

«Бахт калити тилда» — 6-сон

ЭСЛАТМА: Ота-онамнинг ёлғиз ўғлиман. Ўқиб яхши касбни эгаси бўлдим. Онам танлаган Мадина исмли қизга уйландим. Уч фарзанди бўлдик. Лекин ёш хотиним муомала-муносабатни, муросаи модарани, андишани билмайдиган экан. Унинг бундай рафторидан эзилган отам касал бўлиб, шифохонда қаза қилдилар. Хотиним эса шўрлик онамга ҳам қун бермай қўйди. Онам туғунини кўтариб бир кун синглимникида, бир кун опамникида... Менинг эса бошим қотиб қолган...

ИСКАНДАР

жавобсиз қолмайди. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Сиз бугун неки қилсангиз — хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик — фарзандларингиздан икки ҳисса бўлиб қайтади.

Мадина, мен ҳам сизга ўхшаш келин эдим. Қайнона-қайнотам билан

ўйлайман. Қайнотамнинг "рахмат"ларига сазовор бўлганман ва дуоларини олганман. Балки бунга менинг ширин сўзлим сабаб бўлгандир. Бизнинг оилада қайн-бўйнига алоҳида эътибор берилади. Буни келинлик вазифаси, деб биламиз.

ганда эди, бўлар-бўлмас ёлгон гапларга ишонмаган, сиздан ҳеч қачон воз кечмаган бўлар эди. Алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Қўлингизда гулдек хунарингиз бор экан. Энди сиз фақатгина онангиз билан маслаҳат қилиб иш тутинг. Қўзингизни ёшлаб уларнинг ҳам фамдан тўлиб кетган юракларини эзманг. Имкони борича онангиз ва уканингизнинг кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилинг. Ўйлашимизча, сизнинг энг биринчи вазифангиз онангизга маънавий ва иқтисодий кўмакдош бўлиш. Одоб буюк тождир, уни қийин-да, атрофингизда бўлаётган фиску-фасодларга, камситишларга парво қилмай, улуғлик ва юксалик қасрининг нарвонидан шаҳдам қадам ташлаб бораверинг. Бу нарвон орқали барча мақсад ва ниятларингизга етишиш мумкин.

ОДОБ — БУЮК ТОЖДИР

«Сизларга айтмоқчи бўлганим» — 36-сон, 2001 йил

кетавермайди. Синглим, отангизга Худо инсоф бериб қолар. Худонинг берган яхши кўнига шукр, ёмон кўнига эса сабр қилинг. Атрофдагиларнинг бўлар-бўлмас гапларига эътибор берманг. Ёшингиз эндигина 18да, ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилмаган бўлса, уйимизга совчи келмаган дебсиз. Худо хоҳласа уйингизга совчилар ҳам келади. Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти-соати бор. "Шошган қиз эрга ёлчимас", - дейдилар-ку. Тенгизини топиб турмушга ҳам чиқасиз. Йигитингиз эса сизни чин дилдан сев-

ЭСЛАТМА: Отам опамни ва укам иккимизни ташлаб кетганига 11 йил бўлди. 18 ёшга қирған бўлсам-да, эшигимиздан ҳали совчилар кириб келгани йўқ... Улар маҳаладагилардан отам ташлаб кетганини эшитгач, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетавершади...

ЗИЛОЛА

Тенгдошларингиз: **НИГОРА, БАРНО, НАРГИЗА**

Тошкент шаҳри

ВАФО ҚИЛГАН ВАФО ТОПАР...

«Билмайин босдим тиканини» — 6-сон

Биз уч дўст Наргизанинг тақдири ҳақида анча мулоҳаза юритдик. Эҳтимол, биз бу синглимизга етарли даражада маслаҳат бера олмасмикан, лекин йигитларнинг феъл-атвори ҳақида маълум бир тушунчага эгамиз. Тўғри, дунёда севги, муҳаббат аталмиш ҳиссийотлар ҳам мавжуд, лекин уларни бегона ҳислар билан аралаштирмаслик лозим.

Бизнинг Наргиза синглимизга берадиган маслаҳатимиз куйидагича:

- Агар Н. сизни чиндан севганда, етти ой мобайнида унутиб қўймас эди. Албатта Н. Бекзод билан дўст бўлганлиги сабабли иккинчи орангиздаги муносабатдан хабардор бўлган. Агар Н. сизни ростдан ҳам севганда, бу муносабатга қаршилик қилиши лозим эди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Н. билан муносабатингиз яхшиланса-да, бирор кун ораларингиздан гап қочса, у Бекзод билан бўлган воқеаларни таъна қилиши мумкин... Бекзодга эса:

ЭСЛАТМА: Н. исмли йигит мени Бекзод деган дўсти билан таништириб қўйди. Мен унга боғланиб қолдим. Лекин у бир қизга ўчакишиб мени таплаган экан... Йигитларга умуман ишонмай қўйдим... Яқинда Н. менга севги изҳор қилди. Мен эса яна хато қилишни истамаман.

НАРГИЗА

"Жафо қилган жафо топар, вафо қилган вафо топар", деб айтмоқчимиз.

Синглимиз Наргиза! Халқимизда "Етти ўлчаб, бир кес", деган нақл бор. Умр йўлдош танлашда адашманг. Сизнинг тақдирингиз бизни бефарқ қолдирмайди. Иложи бўлса бизга хат ёзинг.

Марат ИСЛОМОВ,
Баҳодир АНОРМАТОВ,
Равшан МАМАТҚАРИМОВ,
Самарқанд вилояти,
Жомбой тумани,
А.Темур ж/х, 1-бригада

Мирзохид, ҳар бир воқеанинг оқибатига инсон ўзи сабабчи бўлади. Сиз оилангиз жар ёқасига бориб қолганини ҳам билмасиз. Ёзингизга, ота-онангиз дуолари ила хурмат, эътиборга эришибсиз. Лекин Мадинага келганда кўнгли бўшлиқ қилибсиз. Мадина эса шунчалик ичингизга кириб кетганки, ҳатто ота-онангизни ўз уйидан ҳам ҳайдашгача борибди. Менинг фикримча, эркак киши қурби етган тақдирда ҳам, "Мен сенга ундай қилиб бераман, бундай нарсаларни муҳайё қиламан", дейиши керак эмас. Чунки, бундан аёллар гаразли мақсадда фойдаланадилар. Менинг бу гапларим Мадинага ўхшаган аёлларгагина тааллуқли. Мадинага айтар гапим шуки:

- Сиз бу ишларингиз билан аввало ўз ота-онангиз қаддларини букканингизни биласизми? Мирзохиднинг ота-онанини ўз ота-онангиз ўрнига қўйиб кўринг-чи? Сиз айтган сўзларни ота-онангизга келиннингиз айтганда сиз қай ахволга тушган бўлардингиз? Ўзингиз шу томонларни бир ўйлаб кўринг. Инсонга тил ширин сўз

Мен қайим Мирсолиҳни жудаям хурмат қиламан. Оллоҳ умрини узун, болаларига ўзини бош қилсин. Мирзохид, сиз ҳаёт тарозусини ушлаб туришда янглишибсиз. Уни хотинингиз томонга оғдириб юборибсиз. Хатоингизни тўғрилаш мумкин. Отангизни йўқотдингиз, онангизни асранг. Онангизни уйга олиб келинг. Ҳаётингизни яхши томонга ўзгартиринг. Бу сизнинг қўлингиздан келади. Қўзингизни каттароқ очинг. Хотинингиз муносибана онажонингизнинг табарруқ оёқларига бош эгиб кечирим сўрамагунча унга ялиниб борманг. Токи у қилган қилмишидан, айтган сўзларидан руҳан эзлиб, виждон азобиде қийналиб хатосини ҳис қилсин. Шу гап сизнинг ёдингизда турсин. Оллоҳдан сизга сабр-тоқат, онажонингизга матонат тилаб қоламан. Илоё рўзгорингиз шарофатли, бундан кейинги ҳаётингиз беташвиш ўтсин.

Дилфуза ҚОДИРОВА
Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани

6 Оила ва жамият

Oila va jamiyat

Хурматли ТОЖИНИСО ая!

Сизни таваллуд кунингиз ва пайгамбар ёшингиз, наврўз байрамингиз билан табриклаймиз! Сизга узок умр, фарзандларингиз роҳатини кўриб юришини тилаймиз.

Хамкасбларингиз номидан

Мавлуда

Хурматли Лутфинисо САИДОВА!

Сизни таваллуд кунингиз ва наврўз байрамингиз билан чин дилдан қутлаймиз! Ҳар доим соғ-омон бўлинг.

Хамкасбларингиз ва фарзандларингиз номидан

Нодира

Хурматли Фотима МУҲИДДИНОВА

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Умингиз узок бўлсин. Эҳтиром билан

Абдужаббор

Хурматли синглимиз Шохиди ИСКАНДАРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз ва наврўз байрами билан табриклаймиз! Ишларингизда омад, соғлик, оилангизга бахту-саодат тилаймиз.

Акангиз, опа-сингилларингиз

“ЭЛИТА” усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргатаман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73. РАЪНО

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Кўйлагини худди курсларга қабул эълон қилади:

- энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўловчи тикиш - 4 ойлик; • пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмалар пардаларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • адаларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; • Замонавий, ҳар фаслга мос эркаклар кийими - 2 ойлик.

Кўйлак, шим, костюмлар — ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос — костюм, фрак, нимча, куртка, плаш, пальтолар.

Машгулотлар кичик гуруҳларда ҳар кун олиб борилади.

Битириваллар диплом берилади. Қабул ҳар кун (акшамбади ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзилми: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қavat, 524-хона.

Мўлажа: Метронинг «Амр Теор» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.

2-ойлик: - Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 4000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 4000 сўм. - Массаж (ушмай). Бир ойга 4000 сўм. - Уй хамшираси. Бир ойга 4000 сўм.

3-ойлик: - Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 4000 сўм.

1-Манзилми: Метронинг «Тинчлик» бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зукко» фирмасининг ўқув маркази. «Адиас» дўкони ёнида. Тел: 42-36-71

3-ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 4000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 3500 сўм. - Инглиз тили (давом эттирувчилар учун). Бир ойга 4000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 4000 сўм. - Теле-радио устасари. Бир ойга 4000 сўм.

Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга қаролат беради. Хамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозғистон» кинотеатри биноси ичида.

ҲАҚИҚАТИЙ АҒАНАБ ТУШГАНДИ...

Бир кун Зухра кеннойим шундай ҳикоя қилганлар:

1999 йил куз пайти. Ҳама кунлари дам-дамнинг аҳволлари оғир бўлиб, биз докторма-доктор югуриб юргандик. Бир кун опам тушида очилиб турган сариқ гулнинг узиллиб тушганини кўриб-ди. Менинг тушимда эса акамнинг уйини бир томон девори ағанаб тушибди. Уйқудан ёмон кайфиятда уйғондим. Ҳама кун кўнглим гаш бўлиб юрардим. Чунки отамиздан жуда хавотирда эдик. Орадан бир hafta ўтиб совуқ хабар эшитдик. Акамнинг 16 яшар ўглини тоқ уриб ўлибди. Кеннойим билан акамнинг ягона ўгли бўлганлиги учун улар жуда оғир аҳволга тушиб қолишди... Ана ўшандан буён туш кўришдан қўрқаман.

Ёмон тушларга хайр-садақа, таваба-тазарру қилинса бошимизга келмоқчи бўлган балони дифф. этади. Валлоху аълам биссавоб, деб азиз юртдошларимизга фақат яхши тушларни кўришларини тилайман.

Гулноза ШУКУРОВА
Тошкент шаҳри

“MADINA BEGIM” ўқув МАСКАНИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ 8-МАРТ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Сартарошлик-3 ойлик. 2. Массаж-2 ойлик. 3. Уй хамшираси-3 ойлик (бир ой амалиёти билан). 4. Қандолатчилик- 2 ойлик. 5. Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида). 6. Косметология-2 ойлик. 7. Компьютер - 2 ойлик. 8. Инглиз тили 2-ойлик. 9. Тасвирий маникюр - 1 ойлик. 10. Эркаклар сартароши — 1 ой (салонда).

Парда ва торт тайёрлаш учун буюртма қабул қилинади. Амалиёти билан битирганларга диплом берилади.

Манзилми: “Хадра” меҳмонхонаси ичида. 56⁹-уй, 5-қават. Мўлажа: Циркнинг ўнг томонида. Тел: 144-28-11, 45-95-48.

ОППОҚ ЮЗЛИ БЕКА ИЗЛАЙМАН

Ҳаётда хамма нарсанг етарли, тўла-тўқис яшашинг мумкин экану, аммо бахтинг бутун бўлмаса, яхши-ёмон кунингда парвонадай ёниб турувчи бир меҳрибон аёлнинг бўлмаса қийин экан. Ота-она, дўсту биродарлар, фарзандлар ўз йўлига экан. Эркакнинг кўчада “эркакман” деб қандай ўзи ўша бахт? эътиборсиз қолмайди, деган умиддаман.

Н.

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:

- Инглиз тили - Инглиз тили ва компьютер.
- Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билмилари.
- Банк иши ва компьютер билмилари.
- Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси.
- Рус тили, Интернетда Web-site.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик курслар:

- Компьютер билмилари: (Windows-2000, MS Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби.
- Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси.
- 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.

Тугатилганларга диплом ва сертификатлар берилади.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилми: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

КАМЧИЛИГИМ ЙЎҚ... ГҮЛДЕК ҲУНАРИМ БОР

Касбим иқтисодчи. Ёшим 30да. 3.5 ёшли қизим билан ажрашганман. Ораста, пазанд аёлман. Моддий камчилигим йўқ, орзулаган бахтинми изляяпман.

Узига ишонган, иродали, келишган, баланд бўйли, олижаноб, 35-40 ёшгача бўлган эркак билан танишиш орасиданман. Манзилим тахририятда.

С.

Хоразм

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади

3 ойлик

- Инглиз тили(бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
- Бухгалтерия ва компьютер билими;
- Тикиш-бичиш, моделлаштириш.

2 ОЙЛИК

- компьютер билмилари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Paint, E-mail, Internet);
- компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш;
- замонавий бухгалтерия ҳисоби;
- «Элита» услубида замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш.

Тугатилганларга диплом ва сертификатлар берилади.

Манзилми: Тошкент шаҳри, А. Кодирий кўчаси 13, 2-қават, 55-хона. Мўлажа: Навоий метроси, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЁЛГИЗ ЯШАШ ҚИЙИН ЭКАН

Ёшим 38да. Ажрашганман. Андижонликман. Андижонда уйим бор. (Тошкентда қолишим ҳам мумкин.) Узимга яраша ҳунарим бор. Эркак киши учун ёлғиз яшаш қийин экан.

Б.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бугин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалланд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталиғида гормонлар қўлланмайди. Аллергия касаллиқларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни кўриб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

Хотира — муқаддас

ҲАЛИМА ИЗИН

ЯШАР

(Акам Акбарни ёдлаб)

Тунни оғир тош босди, Узок чўзилди сахар. Кўзларимни ёш босди, Сендан айрилиб Акбар. Замин айланди чир-чир, Кўшчи эрта ботди. Не гуноҳинг бор, ахир, Бўғзим тўла дод қотди. Уй ўйласам жилмайиб, Ҳаёлимдан кетмайсан. Қайга кетдинг биз қолиб, Манзилингни айтмайсан. Онан боқади гирён, Не қиларин билмайди. Кўксин кемирган армон, Бу дунёга сигмайди. Бордир ёлғиз тасалли, Кизингда кўзинг яшар. Номинг ўчмагай мангу, Ўглингда изинг яшар.

Нилуфар ЭШМУРОВА
Қашқадарё вилояти, Дехқонobod тумани, Оқиртма қишлоғи

«Оила ва жамият» ўғитномаси

АЙРИЛМА ДИЛДОРИНГДАН...

Яшар эди бир кўчада икки эр, Иккиси ҳам хотину оилам дер. Бирини рашк шаробин ичи ёнадир, Қизғонли оташида тўлғонадир. Бирисидир рашкка мутлоқ бегона, Бўм-бўш эрди рашк деб аталмиш хона. Иккиси ҳам айрилди дилдоридан, Ажрим бўлиб қўлда йўғу боридан. Сабаб равшан, рашкда бузилди меъёр, Иккисидан воз кечди икки дилдор. Таъсир этмас меъеридан бўлса кам, Зарардир меъердан ортиқ дори ҳам.

Кимда мавжуд манманлик, кибру ҳаво, Уз бошига хорликни кўргай раво. Пуфакка дам берган сари керилди, Холи аён, кўкка чиқиб ёрилди. Манманликнинг этагидан ким туттай, Эл ҳам уни қадрламак, унуттай. Кибр либосини устиндан ечгин, Шайтоний курсурдан батамом кечгин.

Жаҳонгир ФОЗИЛ

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Агар сизда ҳеч қандай дардга чалинмасдан узок умр кўриш истаги бўлса ва сизни сурункали касалликлар безовта қилаётган бўлса, биз сизга энг янги, ижороти технология асосида тайёрланган, 100% қафолатланган табиий препаратларни таклиф этамиз:

- қандили диабет, бўқоқ;
- асаб касалликлари, остеохондроз;
- эркаклар муаммолари: простатит, аденома, потенцияни пасайиши;
- буйрак ва сийдик йўллари касалликлари;
- инфаркт, инсульт ва оғир операциялардан кейин тез тикланиб олиш;
- сурункали бронхит, туберкулез;
- аллергия касалликлари, бронхит астма;
- болаларнинг тез-тез касалликларга чалиниши, яхши ривожланмаслиги;
- псориаз, экзема, нейродермит.

Телефон: 34-21-16 (кундузи), 22-48-65 (кечурун).

СИЗНИ ҚУТЛАШ БИЗ УЧУН ҚўНГИЛЛИ!

Қарши Давлат университетининг талабаси Худойназар Ёдгоров хат ёзиб, Феруза исми дўстини табриклашимизни илтимос қилибди. Лекин ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, бизнинг узига хос ҳисоб-китобларимиз бор-да. Газетамизда обуна бўлган бўлсангиз ва квантация нуҳасини юборсангиз, табриқларингизни бепул босиб чиқараверамиз.

Агар газетга ўз вақтида обуна бўлмаган бўлсангиз ўки улуғра олмаган бўлсангиз ҳали ҳам кеч эмас.. Узингиз яшаб турган жойдаги алоқа бўлимарица мурожаат қилишингиз мумкин. Мақтубларингизни кутамиз!

Турмуш сабоқлари

Мен 1999 йил ўқишни битиргач, ишга жойлашмоқчи бўлиб ҳужжат йиға бошладим. Дипломим ҳақиқатан ҳам шу ўқув юрти томонидан берилганми ёки йўқми шу ҳақда хат олиб келиб беришим керак эди. Мен Тошкентга келиб ўқув юрти маъмуриятига учрашдим, ишимни ҳал этиб берадиган бўлишди. Қарасам, тушлик вақти бўлиб қолибди. Мен шу атрофда жойлашган бозор яқинидаги ошхонага кириб тамадди қилиб олмақчи бўлдим. Овқат буюриб бўш жойлардан бирга ўтирдим. Емакхонага одамлар кириб- чиқиб туришарди. Овқат ва чой олгани ўриндан турдим. Чой олаётгани олдимда турган бири кишига эътибор бериб қарадим. У ошпаздан овқат олаётганди. Кўринишидан ичиб олган, маст эди. Мен чой, овқатни олиб жойимга қайтдим. Утириб овқатлана бошладим. Шунда бояғи эътиборимни торган киши овқатларини кўтариб жой қидира бошлади. Менинг ёним бўш бўлганлиги сабабли ақинимга келиб: «Жой бўшми?»- деб сўради. Мен унча хушламай бошимни қимирлатдим. Сабаби, ичиб олган одамларни унча ёқтирмайман. У қўлидаги таомларини кўйиб: «Хозир келаман»,- деб нари кетди. Кўп ўтмай стаканда ароқ олиб келиб ўтирди. Кўринишидан ўрта ёшлардаги бир йигит эди. Қотмадан келган, ўсиқ сочлари юзига монанд сариқ эди. Хатто қошу киприклари ҳам сариқ эди. Кўзлари эса ўйчан, дарди бор кишининг кўзларига ўхшар эди. У тиржайиб мендан узр сўради. «Хеч қиси йўқ»,- деб қўя қолдим. У бир нарсалар дер, гала-говурда уни унчалик англолмасдим. Чойни қайтариб ўзимга қўйдим. Шунда у: «Чойингиздан ичсам майлими?»- деб сўради. Мен жирканган ҳолда: «Ана чой, истасангиз олиб келиб ичаверинг»,- деб тўнгиллаб қўйдим. У эса узр сўраб кулиб қўйди-да, ўрнидан туриб чой олиб келиб ўтирди. Стакндаги ароқини ичиб олгач, мени гапга солмоқчи бўлди. Кейинроқ гапимиз қовушиб, танишиб олдик. (Уни исминини кўрсатмасликка, шартли равишда Раҳимжон ака деб аташга қарор қилдим.)

Ўзим кашақадарликман, мени бу ахволда кўриб: «Бир дайди, маст-аласт бўлиб юрган одам, деб ўйлагандир-сиз»,- деди. Мен ҳам кўнглига озор бермаслик мақсадида: «Йўқ»,- деб қўя қолдим. Лекин менда бу инсонга ишончсизлик бор эди. Сўзимиз давомида билсам у шифокор экан. (Биринчи кўришдаёқ шифокор деб ўйламайди киши.) Тошкентга малака ошириш учун келган экан. Ногоҳон: «Мен билан ичишмайсизми»,- деб сўраб қолди. Мен рабб этдим. У бориб яна стаканда ароқ олиб келди. «Менга ёқиб қолдингиз, лекин бу савил қолгурса шерик бўлмаганингиз яхши бўлди»,- деди. «Бўлмагур нарса бўлса нега ичяспиз»,- деди. У эса огир ва дардчил ҳолда хўрсинди. Бу хўрсиниш менга галати таъсир этди.

«Ука, ичишимнинг сабаби бор. Менинг бошимга тушган кулфат бу дунёда ҳеч бир инсон бошига тушмасин. Мана шу бугун мени рафикамдан айрилган куним. Беш йилдан буён шу нарса тақдорланади. Ичимни ит тирнайди. Чирок ёқса ёришмайди...» У шундай дея бошдан ўтганларини бирма-бир гапириб бера бошлади. Шунда мен инсоннинг юраги тошдан мустаҳкамлиги, иродаси метиндек бардошли эканлигига яна бир бор амин бўлдим...

«Мен ҳарбий хизматни тамомлагач уйга қайтдим. Шу давр ичида ўқишни битирдим. Оиламиз ўзига тўқ, хурмат-сазовор оилалардан бири эди. Акам ёғ заводининг масъул ходимларидан эди. Хозир ҳам ўша жойда ишлайди. Ҳеч камчилигим йўқ эди. Пулинг бўлса ошна-оғайни ҳам бўлар экан. Пул эса менда кўп — айтганим айтган, деганим деган эди. Ишим соҳамга яраша, тағимда машина. Ошна-оғайнилари билан кайфу-сафо қилиб уйга ярим кечаси қайтар эдим. Уйдагилар: «Бундай юришининг қий, яхисиси уйлан, бола-чақа

орттир, биз ўтиб кет-сак ҳовлига сиймай қолсан»,- дея койридилар. Охири бир оқила, одобли, ҳаёли, мўмина кизга уйлантиришди. «Зора шу билан огир, босиқ бўлиб қолса»,- деб умид қилишди. Гулчехра қурбатимни жойига қўяр эди. Негадир унинг олдида ўзимни жуда ҳам вазимн тутар эдим, олдинги шўхликларим бир зумда йўқолиб қолар эди. Барибир уйдагиларнинг айтгани бўлмади. «Урганган кўнгли ўртанса қўймас» деганларидек, ўз беъмани қилиқларимни давом эттира бошладим. Утиришлардан маст-аласт қайтар эдим. Вақти келса қуруғидан ҳам уриб олар эдим. Покиза, назомни қанда қилмайдиган Гулчехрам эса, мени бу ахволда кўриб йиғлаб юборар-

карасам машинама қарама-қарши томондаги йўлга чиқиб кетибди. Бизга қараб бир машина елдек учиб келарди. Нима қиларимни билмай рулни буриб юбордим. Машинам йўл четига чиқиб бетон тўсиққа урилиб кетди. Каттиқ силкинишдан сўнг ўзимни бир мuddатга йўқотиб қўйдим. Кўзимни очиб қарасам, юзу-бошим қон. Кайфим тарқаб кетган. Орқамга қарасам... - шу ерда яна жимлик чўкди. Мен: «Охири нима бўлдикин»,- деб кутиб турар эдим. Эркак яна ҳикоясида давом этди. — Кўрқиб кетдим. Машинадан тушиб орқа эшикни очдим. Ўғлимни машина ичидан олдим. Ҳали у кичкина — бир яшар ҳам бўлмаган эди. Ўғлимни миздек қор устига қўйдим... Мана шу

дим. Ичкиликка ружу қўйдим. Уйдагилар ҳам: «Бу юришининг қий, кел, яхисиси бошқага уйлантириб қўйилик, ахир фарзандингга ҳам она керак-ку»,- дейишди. Мен: «Йўқ, ўғай она қўлида ўғлим катта бўлишини хохламайман, унга ҳеч қандай ўз онасидек меҳр бера олмайдим»,- дедим. Тўғриси унинг ўрнига бошқа аёлни тасаввур қила олмадим. Бошқа аёлга қўлим теккан тақдирда ҳам мен гўёки хотинимга хиёнат қилаётгандек туюлаверарди. У мени аёл зотидан совитиб кетган эди. Хозиргача ҳам ҳеч бир аёлни ундан устун қўя олмаман. Мен уни жонимдан ортқ яхши кўришимни жуда кеч англадим.

Хар баҳор мен ўша мудҳиш кунни, бу оламда мени у ёлғиз ташлаб кетган кунни эсламан. Ичимдаги гамни ичкилик билан босаман...

- Раҳимжон ака, бошингизга тушган гам

бошқа ҳеч қимнинг бошига тушмасин, Ичкилик билан сиз соғлигингизни баттар қиласиз. Ахир айтдингиз-ку: «Хотиним ичиб келсам хушламасди», деб. Хозир ҳам шу савилни ичгандан қўра унинг ҳақиқа қуръон тиловат қилсангиз савоби тегади. У бир умр сизни алқайди,- дедим.

- Тўғри айтасиз. Лекин нима қилай ахир, ичим қуйиб кетаётган бўлсам. Мана, ўғлим ҳам катта бўлиб қолди. Менга энг қўрқинчли бўлган жойи ўғлим: «Ойим қанилар, нима қилиб ўлганлар»,- деб сўраб қолса нима деб жавоб бераман. «Онанинг мен ўлдирганман»,- дейманми? «Ушанда ўлардек ичмаганимда ҳозир ёнингизда бўларди, бизни ташлаб кетмасди»,- дейманми. Буни айтиш мен учун огир, жуда ҳам огир. Умр эса ўтиб бормоқда. Шу кезларда менга бир қиз кўнгли қўйган. Онаси билан бу шаҳарга қўчиб келишган. Уларни бир танишимнинг уйига жойлаштириб қўйдим. Акам: «Кўнглингни ёз, ҳеч нарсани ўйлама, пул керак бўлса мен бераман, фақат сен хурсанд бўлсанг бўлгани»,- дейди. Она-бола меҳнаткаш, қийинчилик кўрган. Айниқса қизи ҳамма ишни қилади. Ёш бўлса ҳам кўп нарсани тушунади. «Менга турмушга чиқинг»,- деса «Йўқ»- демайди. Онаси ҳам: «Дуч келган кўнгли тоза инсонга бериб юбораман. Ўзим эса бу дунёни тарк этаман»,- деб қўрқитади. Айтганимдек қизи меҳнаткаш, ҳали кир ювган, ҳали уй супурган, ҳали тикиш қилган... Овқатларини-ку роса мазали пиширади. Уйдаги келишмовчиликлар туфайли ўқий олмаган. Қанийди: «Хозир бирор ўқини қилсам, ўқисам»,- дейди. Менга шу қиз ёқди. Лекин уйланишга хотинимнинг хотираси йўл бермайди. Бу азобдан қандоқ қутулишни билмайман...»

Мен Раҳимжон ака билан анчагача гаплашиб ўтирдим. Бу орада у кабоб олиб келиб қўйди. «Керамас, қорним тўқ»,- дейишимга қарамай, «Кўринишингиздан кўнгли тоза йигит экансиз. Талабалар тўйиб овқатланиши керак»- деди. Гапимиз бошида: «Талабага ўхшайсиз»,- деб сўраганида гапни чўзмаслик учун «ҳа» деб ёлгон гапириб қўйган эдим. Сухбатдошим хафа бўлмасин, деб кабобдан олдим. Шундан сўнг у сўзини яна давом эттирди: — Бошимдан ўтказган воқеалар мана шу. Айтган гапларим сизга сабоқ бўлсин. Уйланажак жуфтингизни хафа қилманг, асраб-авайлашга, ҳаётда ҳеч қоқилмасликка ҳаракат қилинг...

Қарасам, вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолибди. Дикқинафас ошхонада ўтириш қийинлашганди. Ҳамроҳимнинг ҳам кайфи анча ошиб қолганди. Биз хайрлашдик. Йўлда кетар эканман, бу воқеани газетага ёзишга қарор қилдим. Мен бу мақолам билан қаҳрамонимга ўхшаш инсонларни соғихликка чорламоқчиман. Токи ўзлари учун тўғри хулоса чиқарсинлар. Ҳеч қачон дилга ақин кишиларини хафа қилмасинлар, сўнгра афсусда қолмасинлар.

ХОЖИАҚБАР

Тошкент вилояти

СЎНГРА АФСУС ЧЕКМАНТ



ди. Унга шира босган кўзларим билан интилсам, силтаб юборар: «Чиқиб кетинг, сиз ҳозир тоза эмассиз, шайтон измидасиз, қўл теккизманг»,- деб хайдар эди. Мен нонқўр эса буни тушунамасдим. Эртасига кечирим сўраб эдим, тўғрироғи кўзларига қаролмасдим. Бу орада мен ўғиллик бўлдим. Бу дунёда мендан бахтли одам йўқ эди. Бу бахтни менга тўхфа этган Гулчехрамга раҳматлар айтдим. Гулчехра эса: «Энди бегим ўғли билан овуниб ёмон одаларидан воз кечар»,- деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Йўқ, рафиқам ўйлагандек бўлиб чиқмади. Дўсту ёрлар билан ўғилчамни юва бошладик. Ҳар кун маст ҳолда келар эдим. У эса хонасига киргизмас, ўзига яқинлаштирмас эди. Жойнамози устида хўн-хўн йиғлар, менга инсоф тилар, шайтон измидаги юрагимни иймон нури билан тўлдирарди Худодан мадад сўраб нола қилар эди. Бизни боғлаб турган нарса фарзандимиз эди. Бир хил вақтда ўзим ўзимдан жирканиб кетаман. Мен унинг қадрига етмадим. Мен уни яхши кўришимни, умримнинг мазмуни эканлигини кеч, жуда кеч англадим. Уша машшум кунни эсласам юрагим орқага тортади. Киш кезлари эди. Уччаларимиз мен, у ва фарзандимиз меҳмондорчиликдан қайтаётган эдик. Мен машина рулини бошқариб борар, гирт кайф эдим». Она-бола орқадаги уриндикда. Ишқилиб эсон-омон уйга етиб олишимизни тилаб хавотирда ўтиришарди. Тезликни оширган сари оширар, нима қилаётганимни бир мuddат эсдан чиқариб қўйган эдим... — Шу жойга келганда эркак гапидан бир зум тўхтади. Уйга толди. Кўриб турардим, кўзлари, бутун вужуди титради. Халқумга бир аччиқ нарса тиқилганини сезардим, ҳозир индамасам йиғлашга тайёр эди у. Шундан ҳам бўлди. Унинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. Бу кўз ёшлари алам кўз ёшлари, неча-неча йиллардан буён йиғилиб юрган кўз ёшлар эди. Мен нима қиларимни билмай уни юпатишга ҳаракат қилардим. Бирпасдан сўнг ўзини босиб олиб титроқ овозда ҳикоясини давом эттирди: — Бир вақт

тирикми билиб бўлмас эди. Кўчани бошимга кўтариб: «Ёрдан беринглар»,- деб бақира бошладим. Ўғлимга ҳеч нарса қилмаган, аммо хотинимнинг ахволи чатоқ эди. Касалхонада узоқ ётди. Хотиним учун қилинаётган жон куйдиришлар фойдасиздек кўринаётганди. Кўргани ҳар борганимда ўғилчамизни сўраб, ахволим билан қизиқар, йиғлаб ҳам оларди. Ўзимни айбдор хис қилар, кўзларига қарашга ботина олмадим. Гулчехра касалхонама-касалхона ётиб узоқ даволанди, Оллоҳдан унга соғлик, тезроқ тузалишини тилаб илтижолар қилардим. Баҳор фаслининг айна мана шу кунда мен ҳаётим мазмунидан, бахтимдан, жондан ортиқ фарзандимнинг онасидан айрилдим. Бир умрга армон бўлиб кетди у. Ўзи билан мени ҳам олиб кетди. Тириклигида қадрига етмагандим, деган армон, афсус мени адо қилди. Шу пайтлар тўладан келган, қабувват йигит эдим. Хозирги ҳолатимга ўхшамас эдим. Ишонмасангиз мана, паспортим, гувоҳномадаги суратимни кўринг... - У менга ён чўнтагидан паспорт ва гувоҳномасини олиб кўрсатди. Паспортидаги сурат ҳозирги кўринишига ўхшамас, айтганидек тўладан келган, қиройли йигит эди. У паспортини олиб хотини билан никоҳи қайд этилиб муҳурланган бетни очиб менга кўрсатди. Бошидан унга ишончсизлик билан қараган бўлсам, энди ростдан ҳам ишонган эдим. Раҳимжон ака пивеладани совиб қолган чойни хўплаб, ҳикоясини тўхтаган жойидан давом эттирди.

— Хотинимнинг ўлимидан кейин анчагача ўзимга кела олмадим. Ҳаёт мен учун тўхтагандай, гўёки яшашга ҳожат йўқ эди. Ўзимни-ўзим ўлдиршига ҳам тайёр эдим. Бу ишни қилишдан тўхтаиб турган нарса унинг хотираси ва ўғлим эди. Энди бўлса бутун ҳаётимни ўғлимга бағишладим. Онаси қўрмаган бахтли нарсани ўғлим кўришини истайман, уни зориктирмасликка ҳаракат қилман. Бошида қийин бўлди. Уйдагилар ёрдам беришди. Қийналган кунларим бор аламинини ароқдан ол-

Тунги соат бир. Азиза соат миллирлага ўйчан термулиб турди-да, қизлари ётган хонага кирди. Хаммалари ширин уйкуда. Устидаги кўрпачи сурилиб кетган кенжаотини қайтадан ўраб, юзидан ўпиб қўйди. Қолган қизларининг устларини ҳам бир-бир кўздан кечириб ортига қайтди. Турмуш ўртоғидан ҳамон дарак йўқ.

Азиза билан Валижоннинг оила қуришганига мана ўн тўрт йил бўляпти. Мана шу йиллар давомида улар бир-бирдан ширин тўртта қиз кўришди. Биринчи фарзандидан бошлаб ўғил кутган Валижонни "ғуноҳор" хотинига нималар деб таналар

ҳозир эрининг орзусини амалга ошириш ниятида бешинчи фарзандига ҳомиладор. Валижон эса кейинги пайтларда кеч, ширакайф бўлиб келадиган одат чиқарди. У тунда келиб ҳам хотини-

Қиссадан ҳисса

га ҳеч бўлмаганда бир-икки оғиз аччиқ сўз айтмасдан ухласасди. "Жони қирқта" аёли эса уни ҳар сафар беором кутиб ўтиришини яхши биларди йигит.

Азиза безовталик билан яна соатга қаради. "Иккидан ҳам ошаяпти", енгил ух тортиб ўзига-ўзи пичирлади аёл ва

ортиқча эканлигини тушунди у.

- Қизларинг билан бир уй бўлиб ўтирибсанларми? - ҳар сафаригдек кесатик гапларини бошлади Валижон. - Нима гап?

- Тинчлик, - деди ҳазин товуш билан Азиза.
- Тинчлигини кўриб турибман. Нима янглик бор, деб сўраяпман сендан.

- Дўхтирлар яна аниқлаб бериша олмади, - деди аста совуқ гаплар бошланишидан юраги безиллаган аёл.

- Ўғил бўлмагандан кейин дўхтирларинг нимани ҳам аниқлаб берарди. Айтиб қўяй, мана шу сафар ҳам киз туғансанг, ёздаги таътилимда санаториядан сенга ўғил туғишни ўргатиб қўядиган аёлга уйланиб келаман. Керак бўлса шу уйда у билан бирга яшайсан. Чидасанг шу, чидамасанг...

Эрининг сўнги сўзларидан қараётган бўлиб қолди Азиза. Ва-

НОШУКРЛИК

қилганлиги фақатгина Азизага аён. У табиятан оғир ва мулозим бўлганлиги учун, барчасини ичига ютди. Олий маълумотли бўла туриб эрининг ишлатмаслик тўғрисидаги қарорига ҳам "Фарзандларим оёққа туриб олгач ишларман", - дея бўйин эгди. Аммо, турмуш ўртоғининг хизмат погонаси йилмайил охири борган сайин, унинг феълидаги кўполлик ва кўрслик ҳам ортиб борди. Азиза имкон борича унинг оғзидан қизларининг олдида бирор ноҳўя гап чиқиб кетмаслигининг олдини олишга ҳаракат қилар, Валижон билан деярли тортишмасди ҳам. Чунки каттаси ўн иккидан ошган, кейинги қизлари ҳам оиладаги ҳолатни тушуниб етадиган ёшда. Шунинг учун эрини: «Ўғил туғишни билмайдиган аёл», - деб таъана-ю ҳақорат қилишидан қизларининг ўқинишларини истамас эди, албатта. Дадалари олдида ўғилликни улдасидан чиқишга ҳаракат қилиб турадиган ақлли фарзандларининг кўзларига тўлган ўқисиз ёш она учун энг оғир дард эди, шубҳасиз.

Азиза учинчи фарзанди ҳам киз туғилганидан кейин, тўртинчи боласи ўғил бўлишига астойдил ҳаракат қилди. Яъни таниш шифокорлардан маслаҳат олди. Табибларга учрашди, халқ табибатида фойдаланишни ҳам унутмади. Турмуш ўртоғи эса бундай муолажаларга бўйин эгмади. Унинг назарида бу борада фақатгина Азиза айбдор эди. Бахтга қарши бу сафар ҳам Оллоҳ уларнинг оиласини қиз фарзанд билан сийлади. Ҳамма вақт шукроналикни одат қилган аёл, бўйнидаги "ғуноҳкорлик" таналаридан кутула олмагани учун турғуҳонада илк бора тўйиб-тўйиб йиғлади ўшанда.

Мана тўртинчи - кенжа кизи ҳам уч ёшдан ошди. У

кўча томондаги деразанинг дарпардасини кўтарди аста. Хаммаёқ соқин. Кўчаларда аллақачон одамлар оқими тинган. У дераза ромига суяниб узокларга термулар экан, кундузи Азизани кўргани келган онасининг насиҳатларини эслади. Бугун у эрининг бўйруғи билан ҳомилисини ўғил ёки қизлигини текширтириш мақсадида шифохонага борган эди. Акс бўлиб учинчи маротаба ҳам бола тўғри ётганлиги сабаб, дўхтирлар буни аниқлаб бериша олмади. Кайфияти тушиб уйга қайтган Азизани онаси кутиб олди. Кўзи тўла ёш билан кўксига бош қўйган қизининг юрагидидаги дардини сўзсиз ҳам тушунди она. «Болам, қарагин, юз ўғилга бергисиз ажойиб қизларинг бор. Фарзандсизликдан асрасин эгам. Балки шу сафар ўғил кўрсаларинг ажабмас. Қиз бўлганда ҳам норози бўлишинг ношукрлик. Пайғамбаримизу қанча алломалар ўғилсиз ўтган». Онаси унинг кўнглини кўтариш учун қанчадан-қанча мисоллар келтирди. Қизларини жонидан ҳам ортиқ кўрувчи аёлнинг бирорта яқинлари-гада бўйламаган дардини - ўғилсизлик баҳонасидаги эрининг қилиқларини онаизорди қаердан ҳам билсин.

Унинг хаёлини машина товуши бузди. Эрининг хизмат машинасига кўзи тушган захоти ҳовли дарвозасини очиб унинг ташқарига йўналди. Баҳорнинг дастлабки ойлари бўлгани сабаб, аччиқ аёздан Азизанинг эти жунжикди. У шошилганидан эгнига қалинроқ кийим ташлаб олишни ҳам унутган эди. Валижон ҳайдовчисига нималарнидир тайинлади-да, дарвоза эшиги ёнида унга салом бериб, совуқда қалтираб турган аёлига эътибор ҳам бермай ичкари томон юрди.

Эрининг ечинишига ёрдам берар экан, бир оғиз гап ҳам

ЖАЗОСИ

лижон хотинининг ҳолатига эътибор ҳам бермай: «Агар айтганимни қилмасам эркак номимни бошқа кўяман», - деди-да ётоқхонага кириб кетди. Ой кетидан ойлар ўтиб Азиза яна ширингина қизалоқ кўрди. Фарзанди туғилганидан кейин учинчи куни ҳамшира унинг қўлига турмуш ўртоғи бериб юборган хатни тутқаэди. У хатида санаторияга кетаётганлигини, туғруқхонадан чиққач, эри билан бирга келаётганини янги "мехмонни" кутиб олишга тайёр туришини билдириб қўйган эди. Азизанинг кўз олдида эри билан ҳуфиёна учрашиб юрадиган аёл Валижоннинг совуқ башараси гавдаланди. Йўқ, бу сафар у йиғламади. Ғуноҳсиз гўдагини бағрига босар экан, фақат бир сўзни қайта-қайта такрорлади. "Ношукр, ношукр".

Азиза туғруқхонадан чиққач, онаси ва яқинлари унинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришди. Аммо кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Чунки умр йўлдошининг мақсади фақатгина унга аён. Шундай кунлардан бирида Валижон дам олиб турган санаториядан совуқ хабар келди. У кўп қаватли уйнинг юқори қаватидан ширакайфлиги боис ногаҳон тушиб кетиб жон таслим қилган эди. Эртаси куни эса санаториядан янги хотин билан кириб келишни мақсад қилган йигитнинг "тез ёрдам" машинасида мурдаси келди.

Бу синоатга бой дунёнинг ношукрликка қарши турган чимдим исёни бўлса, ажабмас.

Зулфия ЮНУСОВА

ЭСЛАТМА: Ёшлиқдан севинган Равшан ва Лобарни тақдир бир-бирдан ажратмади. Йиллар ўтгач Равшан оилали, Лобарнинг эса турмуши бузилган ҳолатда улар яна учрашиб қолишади. Ёшлиқдаги севги аламанга олади. Лекин Лобар Равшанга менга уйлан, деб шарт қўяди. Рад жавобини олгач, қасд олиш пайица тушади. Равшан унинг қилликларидан азият чекади...

(Боши ўтган сонларда)

Равшан жуда чарчаган эди. Йўқ, у ишлаб чарчагани йўқ, балки юрагидида ташвишлардан кутулиш йўлини излаб чарчаган эди.

Укасининг тушлиқда ҳам, кеч-

- Бугун ишга бормайсан, менга дўст бўлсанг бормайсан, - деди Равшан.

- Хўп, хўп, дўстинг учун заҳар ич деганлар машойихлар, - деди Мансур қулиб.

Улар аввал бир шиша ароқни

ЁШЛИҚДА БЕРГАН КЎНГИЛ

да ҳам олиб кирган овқатларидан номигагина тоти-ю, яна кўксини ерга берди. Унга нима бўлганини тушунолмади укаси хайрон. Ҳол сўрамоқчи бўларди-ю, ўзи ёрилиб қолар деб, истиҳола қиларди. Равшаннинг ярим тунда кўзи илинди. Туш кўрибди. Тушида ҳовлиси ёнаётган эмиш. Розия, болалари уй ичиде эмиш. "Дадажон-дадажон", - деб бакираётган болаларининг овозини Равшан эшитишми, аммо ўрнидан туролмасмиш. Шу пайт онаси пайдо бўлди-да: "Тур болам, тур. Болаларингни кутқар!", - деб ўрнидан турғазди. Равшан учиб бордим, ишқилиб дарвозани очса уй ўрнида култепа турганмиш... Равшан чўчиб уйғониб кетди. У терга тушиб кетган эди. "Хайрият. Хайрият тушим экан", - деди у бироз ўзига келиб.



ичиб олишди. Юраги гамга тўлиб кетган Равшан бошидан ўтган бутун воқеаларни Мансурга сўзлаб берди.

- Мен Лобарни яхши кўраман, кўрардим... кейин ундан учиб бордим, ишқилиб дарвозани очса уй ўрнида култепа турганмиш... Равшан чўчиб уйғониб кетди. У терга тушиб кетган эди. "Хайрият. Хайрият тушим экан", - деди у бироз ўзига келиб.

Эрта тонгда уйига кириб борган Равшан, аста болалари ётган хонага мўралади. Хаммаси ухлаб ётибди, Розия йўқ. Мехмонхонадан гўнғир-гўнғир этган овоз келди. Равшан аста эшик пардасини очиб қаради. Розия жойнамоз устида ўтириб, овоз чиқариб илтижо қиларди. «Менга сабр-бардош бер, ўзинг асра Худойим! Оллоҳим мен сендан фарзанд сўровдим бердинг, давлат сўровдим бердинг, муҳаббат бер, деб сўрадим, бердинг. Аммо бирон марта ҳам, эрим мени яхши кўриб кетсин, унинг қалбига ҳам муҳаббат сол, демабман-а... Агар сендан шугина бахтни сўраганимда берармидинг, Худойим?

Эшикка ҳолсизгина суяниб турган Равшан чидолмади. Кўзидан оқиб тушаётган ёшни арди-да, Розияга билдирмай уйдан чиқиб кетди. У ҳеч қаердан ҳаловат топа олмай қолди. Кўнгли яна ичкилик истаб, Мансурларнича йўл олди.

Равшанни кўриб Мансур хайрон бўлди.

- Э, кел, кел дўстим, - деб ичкарига таклиф қилди.

- Эй, яхши кўрмай... - Мансурнинг жаҳли чиқди. Сен ундан қарз бўлсанг пул қарзсан, жон эмас-ку. Пул эса топилади. Агар ўша Лобарнинг олдида бормаганимда бу кўргуликлар бошингга тушмасди ҳам.

- Ха, адашдим... Агар Лобар менга хиёнат қилмаганида адашганимни тушуниб етмасдим.

-Равшан амаки, сизни биров қақираяпти, - деб кириб келди Мансурнинг ўғли. Улар кўчага чиқишди. Лобарнинг шофёри экан.

- Равшан ака, уйингизга борсанг йўқ экансиз. Мени опа юборди, - деди йигит кўриши билан бўлгач. - Анави боланинг қариндошлари пул сўраб келишини қалбига ҳам муҳаббат сол, демабман-а... Агар сендан шугина бахтни сўраганимда берармидинг, Худойим?

Равшан Мансурга қараб ўйланиб қолди.

- Бундай қиламиз, - деди бирдан Мансур. - Мол оламан деб йигит юрган пулим бор. Керак бўлса яна жўралардан сўраймиз. Айтиб қўяй, фақат Лобардан сўрамайсан. Боланинг ота-онасига борамизда, "уни ўзимиз даволатамиз", деймиз.

(Давоми бор)

Раъно АБАЗОВА

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилиши

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоиси эркин нарҳда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.